

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА О’РТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

**“БУХГАЛТЕРИЯ НИСОБИ ВА АУДИТ” ФАКУЛЬТЕТИ
“БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ” КАФЕДРАСИ**

“ҲИМОЯГА РУХСАТ ЭТИЛДИ”
Кафедра мудири, проф. Холбеков Р.О.

«_____» _____ 2011 йил

**““JMP International” қўшма корхонасида хорижий инвестициялар
ҳисобини ташкил қилиш ва улардан фойдаланиш таҳлили” мавзусида
ёзилган**

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

“ҲИМОЯГА ТАВСИЯ ЭТИЛАДИ”
Илмий раҳбар:
И.ф.н Абдуназаров Б.

«_____» _____ 2011 йил

Бажарди: «Бухгалтерия ҳисоби ва
аудит» йўналиши битирувчи
4-курс Ортыков Одилжон

«_____» _____ 2011 йил

ТОШКЕНТ – 2011

МУНДАРИЖА

Кириш

1.боб. Иқтисодиётни эркинлаштириш шаротида молиявий инвестициялар ҳисобининг назарий асослари

1.1. Иқтисодиётни барқарорлаштиришда инвестицияларнинг мақсади, вазифаси ва таснифи

1.2. Хўжалик юритувчи субъектларида инвестициялар ҳисобини ташкил қилишнинг назарий асослари

1.3. Иқтисодиётнинг асосий етакчи соҳаларини модернизация қилишини ривожлантириш учун фаол инвестиция сиёсатини олиб бориш

2.боб. “JMP International” қўшма корхонасида хорижий инвестициялар таҳлилни ташкил қилиш

2.1. “JMP International” қўшма корхонасида хорижий инвестицияларидан фойдаланиш таҳлили, унинг турлари ва асосий йўналишлари

2.2. “JMP International” қўшма корхонасида хорижий инвестицияларидан фойдаланиш таҳлили

2.3. “JMP International” қўшма корхонасида молиявий инвестициялар таҳлили

3.боб. “JMP International” қўшма корхонасида хорижий инвестициялар ҳисобининг аудитини ўтказиш ва уни такомиллаштириш

3.1. “JMP International” қўшма корхонасида инвестициялар аудитнинг мақсади, вазифалари ва манбалари

3.2. “JMP International” қўшма корхонаси молиявий инвестициялар билан боғлиқ муомалаларни бухгалтерия ҳисобида тўғри акс эттирилганлигини текшириш

3.3. “JMP International” қўшма корхонаси молиявий инвестициялардан самарали фойдаланиш даражасини текширишни такомиллаштириш

Хулоса ва таклиқлар

Фойдаланилган адабиётлар

Кириш

Мавзунинг долзарблиги. Президент Ислон Каримов шуни алохида таъкидлашни истардимки, Тикланиш ва тараққиёт фондининг стратегик муҳим лойиҳаларни мустақил равишда ҳамда халқаро молия институтлари ва хорижий компаниялар билан биргаликда молиялаштириш борасидаги роли ортиб бормоқда. 2010 йилда ушбу фонднинг қарийб 330 миллион доллар миқдоридаги маблағи ўзлаштирилди ва бу 2009 йилга нисбатан 25,6 фоизга кўпдир.

Ўтган даврда Фонд маблағлари ҳисобидан 14 та йирик инвестиция лойиҳаси молиялаштирилди. Ўзбекистон-Уммон қўшма инвестиция компанияси иштирокида тўқимачилик, телекоммуникация тармоқлари ва молия секторида умумий қиймати қарийб 80 миллион долларлик 3 та инвестиция лойиҳасини молиялаштириш ишлари бошланди.

2011 йили мамлакатимизда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръатлари 108,3 фоиз, саноатдаги ўсиш – 109,3 фоиз, қишлоқ хўжалигида – 105,8 фоиз ҳажмида бўлиши кўзда тутилмоқда. Инфлатсия даражаси 7-9 фоиз атрофида бўлиши назарда тутилмоқда.

Тасдиқланган давлат бюджетида ялпи солиқ юкини 1,2 фоизга, кичик бизнес субектлари ва микрофирмалар учун ягона солиқ тўловини эса 2010 йилдаги 7 фоиздан 2011 йилда 6 фоизга тушириш мўлжалланган.

Мамлакатимизни иқтисодий ривожлантиришга қаратилган узок муддатли стратегик мақсадни амалга оширишнинг мантиғи мустақиллигимизнинг дастлабки кунларидан бошланган ва Ўзбекистоннинг жаҳон бозоридаги рақобатдошлигини ошириш ва мавқеини мустаҳкамлашга йўналтирилган таркибий ўзгаришлар ва юксак технологияларга асосланган замонавий тармоқлар ва ишлаб чиқариш соҳаларини жадал ривожлантириш сиёсатини 2011 йилдаги асосий устувор йўналиш сифатида давом эттиришни тақозо этмоқда.

Бу ўринда ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш ва мамлакатимиздаги хомашё ва ресурсларга бой мавжуд манбалардан оқилона фойдаланиш асосида юқори қўшимча қийматга эга бўлган юксак технологик маҳсулотларни ишлаб чиқаришни таъминлайдиган истиқболли иқтисодиёт тармоқлари ҳақида сўз бормоқда.

Ана шу мақсадларга эришиш учун “2011-2015 йилларда Ўзбекистон саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги дастур тасдиқланди. Ушбу дастур саноат соҳасида умумий қиймати қарийб 50 миллиард долларни ташкил этадиган 500 дан ортиқ йирик инвестиция лойиҳасини амалга оширишни кўзда тутди”¹,-деган кўрсатмаси амалий

¹ Президент Ислон Каримовнинг 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. (“Халқ сўзи” 2011 йил 22 январь, № 16 (5183))

ечимини топмокда. Иқтисодий муносабатлар даврида хўжалик юритувчи субъектнинг ҳисобот йилида **хўжалик юритувчи субъектлари инвестиция** ҳисобини тўғри ташкил этилиши, махсулот ишлаб чиқариш ҳамда мавжуд ишлаб чиқари кувватларининг самарали фойдаланиш натижасида хўжалик юритувчи субъектнинг моддий техника баъзасини мустахкамлайди. Республикамизда **Хўжалик юритувчи субъектлари молиявий инвестициядан** фойдаланиш ҳисобини юритиш тизимини бугунги янги давр босқичига кутариш юзасидан чуқур чора-тадбирлар ишлаб чиқариш ва уларни босқичма-босқич амалга оширишни талаб этади.

Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришининг ҳозирги даври ва бошланган ислохатларни чуқурлаштириш буйича қабул қилинган бир қанча стратегик ҳужжатлар республиканинг иқтисодий салоҳиятини кўтаришини кўзда тутди.

Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятида **инвестиция ҳисобининг** тўғри ташкил этилишга бевосита боғлиқдир. Молиявий инвестициянинг ҳисоби вазифалари ва уларнинг аҳамияти, уларнинг ҳисоб-китобларини шакллантиришга ҳамда **инвестициялардан** самарали фойдаланиш таҳлилига қаратилган. Шунингдек молиявий инвестиция ҳисобини юритишнинг бошқарувнинг назарий асослари буйича тавсиялари хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш, хўжалик фаолиятининг амалдаги қонунчиликка мос келиши ва молиявий инвестиция тўғрисидаги ҳисоботнинг ҳисоб-китобларини тўғри олиб боришига қаратилган.

Албатта бугунги кунда молиявий инвестицияни ривожлантиришга ихтисослашган турли мулкчилик шаклидаги хўжалик юритувчи субъектлар фаолият кўрсатмокда. Улар тамонидан янги замонавий техника ва технологиялар билан таъминлаш, бино ва иншоотлар барпо этмокдалар. Бугунги кунда бундай жараёнларнинг ривожланишида уларда мавжуд асосий воситалар фойдаланиш, ҳаракатини назорат қилиш ва уларнинг бухгалтерия ҳисобини тўғри ташкил қилиш, шунингдек инвестиция фаолиятини аудит қилиш муҳим аҳамият касб этмокда. Шу боисдан, мазкур битирув малакавий ишда айнан ушбу масалаларнинг назарий ва амалий ечимларини бериш долзарб малалардан бирига айланди.

Илмий ишнинг ўрганганлик даражаси бошқа хўжалик субъектларига қилинган инвестициялар ҳисоби ва аудити бўйича бир қатор илмий тадқиқот ишлари, илмий маъқолалар эълон қилинган. Улар Россия олимларида В.Палий, Н. Кондраков, О. Николаева, С. Бучкова, А.Аренс, Дж Лоббек , В.Подольский, Г. Поляк, А.Савин, А. Шеремет, В.Суйц каби иқтисодчи олимларнинг ўқув услубий, илмий ишларида ўз ифодасини топган.

Жумладан, Ўзбекистонлик олимлар Э.Акромов, А. Ибрагимов, М.Пардаев, С.Воҳидов, О.Бобожонов, О.М, Жуманов, Н. Жўраев, М.Тўлахўжаева, Б.Хасанов, З.Маматов, Ш.Илхомов, О.Жураев ва бошқа бир қатор олимлар томонидан билдирилган назарий ҳамда амалий таклифлари муҳим аҳамиятга эгадир.

Бирок, илмий изланишлар натижаси шуни кўрсатдики, бошқа хўжалик субъектларига қилинган инвестициялар ҳисоби ва аудити бўйича олимларимиз ўртасида турли хил фикрларнинг мавжудлиги, ушбу мавзунинг илмий жихатдан тўлиқ ҳал этилмаганлигидан далолат беради. Шуни ҳам таъкидлаш керакки, хўжаликларда молиявий инвестиция ҳисоби ва аудитидаги муаммоларнинг ечимини маълум даражада ҳал этган бўлсада, бугунги кунда ўзининг илмий, назарий ҳамда услубий жихатдан бозор иқтисодиётини чуқурлаштириш шароити талабига тўла жавоб бермай қолганлиги сабабли, унинг ечимини топиш масалалари турибди.

Битирув малакавий ишнинг асосий мқсади – хўжаликлар молиявий инвестициянинг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш ҳамда уларнинг бухгалтерия ҳисоби юритиш ва улардан самарали фойдаланиш жараёнини аудиторлик текширувидан ўтказиш бўйича фикр-мулоҳазалар билдиришдан иборатдир.

Ушбу қўйилган мқсаддан келиб чиқиб, қўйидаги вазифалар белгилаб олинди:

- иктсодиётнинг барқарорлаштиришда инвестицияларнинг мақсади, вазифаси ва таснифини таҳлил қилиш;
- хўжалик юритувчи субъектларда инвестиция ҳисобини ташкил қилишнинг назарий асосларин ўрганиш;
- “JMP International” қўшма корхонасида хорижий инвестициялар фойдаланиш таҳлили, унинг турлари ва асосий йўналишлари бегилаш;
- “JMP International” қўшма корхонасида хорижий инвестицияларидан фойдаланиш таҳлил қилиш;
- “JMP International” қўшма корхонасида молиявий инвестициялар таҳлил қилиш;
- “JMP International” қўшма корхонасида инвестиция ҳисоби аудитнинг мақсади, вазифалари ва манбалари ўрганиш;
- “JMP International” қўшма корхонаси молиявий инвестициялар билан боғлиқ муомалаларни бухгалтерия ҳисобида тўғри акс эттирилганлигини текшириш;
- “JMP International” қўшма корхонаси молиявий инвестициялардан самарали фойдаланиш даражасини текширишни такомиллаштириш иборат.

Тадкикот предмети бўлиб, «JMP International» қўшма корхонасида хорижий инвестициялар ҳисобини ташкил қилиш ва улардан фойдаланиш таҳлили объектларининг фарк килувчи хусусиятларини ўрганиш, уларнинг ҳаракатини бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботларда акс эттириш, шунингдек, унинг аудитини такомиллаштириш ҳисобланади.

Тадкикот объекти сифатида «JMP International» қўшма корхонасининг бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи маълумотларидан кенг фойдаланилди.

Тадкикотнинг назарий ва услубий асослари бўлиб, Ўзбекистон Республикасида шугулланувчи субъектлар фаолиятини тартибга солувчи қонунлари, Президент И.А.Каримовнинг бозор муносабатларига бағишланган фармонлари ва кўрсатмалари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, Молия вазирлигининг бухгалтерия ҳисоби, ҳисоботи ва аудит услубиётига доир меъёрий ҳужжатлари, йўриқномалари,

шунингдек, субъектлар фаолиятини акс эттирувчи статистик маълумотлардан кенг фойдаланилди.

Илимий янгиликлари қўйидагилар билан изохланади:

- иктсодиётнинг барқарорлаштиришда инвестицияларнинг мақсади, вазифаси ва таснифини таҳлил қилинди;
- хўжалик юритувчи субъектларда инвестиция ҳисобини ташкил қилишнинг назарий асосларин ўрганилди;
- “JMP International” қўшма корхонасида хорижий инвестициялар фойдаланиш таҳлили, унинг турлари ва асосий йўналишлари бегиланди;
- “JMP International” қўшма корхонасида хорижий инвестицияларидан фойдаланиш таҳлили қилинди;
- “JMP International” қўшма корхонасида молиявий инвестициялар таҳлили қилинди;
- “JMP International” қўшма корхонасида инвестиция ҳисоби аудитнинг мақсади, вазифалари ва манбалари ўрганилди;
- “JMP International” қўшма корхонаси молиявий инвестициялар билан боғлиқ муомалаларни бухгалтерия ҳисобида тўғри акс эттирилганлигини текшириш ўрганилди;
- “JMP International” қўшма корхонаси молиявий инвестициялардан самарали фойдаланиш даражасини текширишни такомиллаштириш йўллари ўрганилди.

Тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти. Илмий изланишлар натижасида олинган илмий хулоса ва таклифлардан олий таълим муассасаларида бухгалтерия ҳисоби, таҳлил ва аудит фанларини ўқитишда фойдаланиш мумкин. Шунингдек, ушбу натижалар хўжалик юритувчи субъектларда молиявий инвестициялар ҳисоби ва аудитини ташкил қилишда ижобий самарадорликка эришишга имконият яратади.

Ишнинг таркибий тўзилиши - кириш, 3 та боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатилардан иборатдир.

1606 Иқтисодий эркинлаштириш шартларида молиявий инвестициялар ҳисобининг назарий асослари

1.1. Иқтисодий барқарорлаштиришда инвестицияларнинг мақсади, вазифаси ва таснифи

Бозор иқтисодиёти молиявий қўйилмалардан фойдаланишга боғлиқ, яъни ҳозирда барча корхона, шароитида мулкчилик шаклидан катъий назар корхона, ташкилот, фирма ва жисмоний шахсларнинг ҳўжалик фаолиятини муваффақиятли юритиш ташкилотлар ўз фаолияти давомида молиявий қўйилмалардан қанчалик самарали фойдаланса унинг рентабеллик даражаси ошади ҳамда унинг ривожланиш истикболини белгилаб беради. Молиявий қўйилмалар биринчи навбатда реал ҳўжалик ҳисобини жорий этиш имконини беради, ўз харажатларини ўзи қоплаш, ўзини ўзи маблағ билан таъминлаш, давлат корхоналари билан бир каторда кичик, мураккаб жамоа, қўшма ва шахсий корхоналар тўзишга яқиндан кўмак беради. Ҳўжалик юритувчи субъектларнинг фаолият юритишида инвестиция фаолияти муҳим унсур бўлиб ҳисобланади. Бозор иқтисодиёти шароитида ҳўжалик юритувчи субъектлар ўз маблағларидан унумли фойдаланишлари лозим, яъни бошқа субъектлар фаолиятига фойда олиш мақсадида маблағ киритишлари керак бўлади. Даромад олишнинг усуллари билан бир бошқа субъектларнинг фойда тақсимида иштирок этиш учун вақтинчалик буш турган маблағларни инвестициялашдир.² Инвестиция деганда бошқа ҳўжалик фаолиятига маълум бир давр оралиғида иқтисодий фойда улуш сармоя киритиш тушинилади.

Инвестициялар деганда барча турдаги миллий ва интеллектуал бойликлар тушунилиб, улар тадбиркорлик фаолияти объектларига йўналтирилиб даромад келтириши ёки бирор-бир ижобий самарага эришиши зарур.

Иқтисодий категория сифатида инвестициялар қўйидагича таснифланиши: Бирламчи авайланган капитални қўпайтириш мақсадида капитални тадбиркорлик объектларига жойлаштириш; Инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш жараёнида инвестиция фаолияти иштирокчилари

² ЎзР БҲМС ларга шарҳлар тўплами Тошкент 2010й.

уртасида вужудга келадиган иқтисодий муносабатлари. Инвестициялар капитал қуйилмалар шаклида ҳам амалга оширилади, ҳамда ўзидаги янги қурилишларига, кенгайтиришга, реконструкцияга ва фаолият курсатаётган корхоналарни техник қайта жихозлашга, ускуналар, инвентарлар, лойиҳавий маҳсулотлар сотиб олишга сарф-харажатларни мужассамлаштиради. Иқтисодий фанлар ва амалиёт «инвестиция» ва «капитал қуйилма» терминларини бир хил тушунча эмаслигини, яъни синоним сўзлар эмаслигини таъкидлайди. Инвестициялар капитал қуйилмага нисбатан кенг мазмунли, қамровли тушунчадир.

У.Шарп инвестицияларга қуйидагича таъриф беради: «Реал инвестициялар асосан моддий активларга (ер, ускуналар, заводлар) қилинган инвестициялардир. Молиявий инвестициялар бу қоғозда битилган шартномалардир. Буларга оддий акциялар ва облигациялар киради. Ривожланаётган иқтисодиётда инвестицияларнинг асосий қисми реал инвестицияларга тегишлидир. Ривожланган иқтисодиётда эса инвестицияларнинг асосий қисми молиявий инвестициялаш институтларининг кенг миқёсида ривожланиши реал инвестицияларнинг усишига сабабчи бўлади. Инвестицияларнинг бу икки шакли бир-бири билан рақобатлашувчи эмас, балки бир-бирини тулдирувчидир».³ Инвестиция тушунчаси ягона ва тулиқ тушунча беришлик учун анчагина кенг бўлиб ҳисобланади. Иқтисодий фаннинг турли қисмларида ва амалий фаолиятнинг турли соҳаларида инвестиция мазмуни ўзининг хусусиятларига эга. Лоренс Дж. Гитман ва Майкл Д. Джонкнинг «Инвестициялаш асослари» (М. «Дело» нашриёти-1997) китобида инвестицияларга қуйидагича таъриф берилади: Инвестиция молиявий натижалар олишни кўзлаб акция ва облигацияларни сотиб олишни англатади: бўлар реал активларни белгилайди, масалан, у ёки бу товарни ишлаб чиқариш ва сотиш учун машиналарни олишни назарда тутади.

³ Шарп У., Александер Г., Бейли Дж. Инвестиции: Пер. с англ. - М.: ИНФРА- М, 1997.7.

М.К.Пардаевнинг таърифи берича «Инвестиция деганда мулкдорларнинг инвесторнинг пул маблағи, қимматли қоғозлари, техникаси ва технолгияси, машина ва жихозларини, мулкка эгалик ҳуқуқи, интеллқтуал мулки кабиларни ижтимоий ва иқтисодий жихатидан фойда олиш мқсадида тадбиркор фалиятига қуйиш тушунилади»⁴ Умуман кенг маънода инвестициялар мамлакат иқтисодиётини ўстириш ва ривожлантиришни молиялаштириш учун зарур бўладиган механизмларни таъминлайди.

Инвестициялар турли шаклларда амалга оширилади ва уларни таҳлил қилиш, режалаштириш учун алоҳида хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда гуруҳлаштирилади.

Қуйилиш объектига қараб инвестициялар реал ва молиявий шаклларга ажратилади.

Реал инвестициялар (капитал қуйилмалар) – пул маблағларини корхонанинг моддий ва номоддий активларига сарфланишидан иборат.

Моддий инвестициялар асосий капиталнинг элементларини сотиб олиш билан боғлиқ бўлиб, кўпчилик ҳолларда инвестицион лойиҳалар доирасида амалга оширилади. Шунинг учун шахсий маблағлар билан бирга қарзга олинган маблағлар ҳам фойдаланилиши мумкин. қарзга маблағ олинган ҳолда инвестор ролини аниқ лойиҳаларга кредит маблағлари ажратаётган банк бажаради. Номоддий инвестициялар номоддий бойликлар яратилаётганда амалга оширилиб, кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашга, илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларини амалга ошириш, янги маҳсулотларнинг намуналарини яратишга сарфларни мужассамлаштиради.

Асосий фондларга сарфланган реал инвестициялар мақсади сарфланиш йуналишлари ва бошқа курсаткичларга кура ҳудудлараро, тармоқлараро, технологик, қайта ишлаб чиқариш таркибларига эга. Асосий фондларга сарфланган инвестицияларни, уларнинг актив (машиналар, асбоб-ускуналар) ва пассив (бино, иншоотлар) қисмларини ташкил этиш учун сарфланган умумий ҳаракат йиғиндисидеги улуши инвестицияларнинг технологик

⁴ Пардаев М.К. Лойихавий таҳлил .Маруза матни .Сам ДУ-2001й.

таркибини ташкил этади. қайта ишлаб чиқариш таркиби инвестицияларнинг қандай мақсадларга йуналтирилганлиги; янги қурилишга, ишлаб турган корхоналарни кенгайтиришга, реконструкцияга ва янги техника билан қайта қуроллантиришга жалб қилинган харажатларни умумий харажатлардаги ҳар бирининг нисбий жиҳатдан улушини курсатади. Инвестицияларнинг ҳудудлараро ва тармақлараро таркиби эса уларнинг нисбий жиҳатдан ҳудудлар ва тармоқлар бўйича тақсимотини билдиради.

Давлат томонидан ўзлаштириладиган инвестициялар. Дастлабки бозор инфратаркибини ва у билан боғлиқ бўлган тармоқларни ривожлантиришга сарфланади. Инвестицияларни самарадорлигини ошириш асосий капитални актив элементларини вужудга келтириш ва устириш ҳисобига амалга оширилади.

Реал инвестицияларни тавсифномалаш уларни ҳажми ва даромад меъёрлари асосида олиб борилади. Инвестициялар ҳажми ўзлаштириладиган қўйилмалар қийматини ифодалайди, инвестициялар миқдори эса уларнинг ҳажмини ЯИМга ёки ЯИМга бўлган нисбатини ифодалайди.

Молиявий инвестициялар капитални, тўлов ва молиявий мажбуриятларнинг барча турларини ўзида мужассамлаштирувчи, молиявий активларга жойлаштирилишини англатади. Ушбу молиявий воситаларнинг энг муҳимлари қимматли қоғозлардир: улушли (акциялар) ва қарз (облигациялар).

Реал инвестициялардан фарқли улароқ молиявий инвестицияларни кўпроқ портфель инвестициялар деб аташади, чунки бу ҳолда инвесторнинг асосий мақсади бўлиб молиявий активларнинг мукамал йиғмасини (инвестициялар портфелини) шакллантириш ва қимматбаҳо қоғозлар билан амалга ошириладиган турли операцияларни бошқариш ҳисобланади⁵.

Шахсий инвестициялар, тадбиркорлар, хусусий фирмалар, концернлар ва акционер ташкилотлар томонидан тақиқланмаган фаолиятларга

⁵ Ўзбекистон Республикасининг «Инвестиция фаолияти тугрисида»ги Қонун. Т. 1998й.

сарфланадиган мулкдорлик ва интеллектуал бойликларни англатади. қимматли қоғозлар бозори мавжуд бўлган мамлакатларда шахсий инвестицияларни кўпгина қисми махсус инвестиция фондлари томонидан сарфланади. Хорижий инвестицияларнинг молиявий шакли (портфель инвестициялар) миллий иқтисодиётда истикболли корхоналарни аниқлаш ва кенг миқёсда инвестициялашни амалга оширишга асос бўла олади.

Инвестицияда қатнашиш характериға кура бевосита ва портфель инвестициялар фарқланади. Бевосита инвестициялар инвесторни ўз молиявий маблағларни жойлаштириш объектини тиклаш имкониятини беради. Портфель инвестициялар тижорат банклари, инвестицион компаниялар ва фондлар ва бошқалар ёрдамида амалга оширилади. Молиявий воситачилар тупланган маблағларни самарали, даромад келтирадиган қилиб жойлаштирадilar. Портфель инвестициялар бошқа эмитентларнинг андерраттинг ёрдамида қимматли қоғозларга жойлаштириш шаклида намоён бўлади.

Инвестициялаш давриға қараб инвестициялар қисқа муддатли (бир йилгача бўлган муддатга берилади) ва узоқ муддатли (бир йилдан ошиқ муддатга берилади) бўлади. Масалан, оддий акциялар умуман бирор – бир муддат билан чекланмайди. Масалан, депозит сертификати олти ой муддатга берилади – бу қисқа муддатли қуйилмалар воситасидир, облигациялар 20 йилда қайтариш муддати билан узоқ муддатли қуйилмалар воситасидир.

Узоқ муддатли қимматли қоғозларни сотиб олиш ва қисқа муддатдан, масалан олти ой утгандан сунг, инвестор узоқ муддатли қуролни қисқа муддатли мақсадлар учун фойдаланиш мумкин. Кўпинча инвесторлар ана шундай қуролларни танлайдилар ва ўз пуллари қисқа муддатларга қуйишни хоҳлайдилар. Масалан, яқин олти ой мобайнида инвесторға керак бўлмайдиган суммаға, у олти ойлик муддатга эға бўлган депозит сертификати сотиб олиши мумкин: қирқ ёшға тулган инвестор пенсияға чиққунча пул йиғиш учун бирон-бир компанияни облигациясини 20 йилға

сотиб олиш мумкин. Одатда узок муддатли инвестициялар капитал қуйилмалар шаклида намоён бўлади.

Мулк шаклларида келиб чиқиб инвестициялар хусусий, давлат, қўшма ва хорижий шаклларга ажратилади. Хусусий инвестициялар нодавлат юридик шахсларининг ва фуқароларнинг маблағларини тадбиркорлик фаолияти объектларига қуйилишини англатади. Давлат инвестициялари давлат бюджети ва давлат корхоналарининг маблағларини жойлаштириш орқали намоён бўлади.

1.2 Хўжалик юритувчи субъектларида инвестиция ҳисобини ташкил қилишнинг назарий асослари.

Молиявий қуйилмалар, уларни таснифлаш ва ҳисобга олиш усули тўғрисидаги тушунча, ҳамда уларга оид ахборотни молиявий ҳисоботларда акс эттириш “Молиявий қуйилмалар ҳисоби” номли 12 –сон БХМС ларда ҳисобга олиб борилади. Бу стандартларга мувофиқ Молиявий қуйилмалар-бу даромад олиш, фойзалар, роялти, дивидент ва ижара хаки сингари ва асосий капитал кийматини қўпайтириш ёки инвестиция қилувчи компания бошқа иқтисодий фойда олиш мақсадида унинг тасарруфида бўлган корхона активларидир” деган таъриф келтирилган.⁶ Шунинг эътиборига олиш лозимки, 4 ва 5 сон БХМС ларида белгиланган қўрилишга эга товар моддий захиралар, асосий воситалар молиявий қуйилмалар бўлиб ҳисобланмайдилар.

Хўжалик юритувчи субъектлар инвестицияларга турли мақсадларда эгаллик қиладилар. Айримлар учун инвестиция фаолияти фаолият юритишнинг (масалан, сугурта компаниялари ва айрим банкларда) асосий унсурлардан бўлиб ҳисобланади. Бунда айрим инвестициялар сертификатлар билан тақдим этилиши мумкин, бошқалари эса йук. Уларнинг моҳияти, ўз эгасига тегишли бўлган ва одатда фойзалар келтирувчи пул суммасини ўзида акс эттирувчи қисқа муддатли ва узок муддатли савдо мажбуриятларидан

⁶ Бухгалтерия ҳисобининг 12-сонли “Молиявий инвестициялар ҳисоби” Миллий стандарти Т.1998й

бошқа хил мажбуриятлар шаклида такдим этилиши мумкин.⁴ Бошқа томондан, инвестициялар ўзида субъект даромадида катнашиш улушини акс эттириши ҳам мумкин. Масалан акциядорлик капитали (акциялар)да катнашиш улушини.

Айрим инвестициялар учун уларнинг бозор баҳоси белгиланиши мумкин бўлган фаол бозор ҳам мавжуд. Кучмас мулкка, яъни ер участкалари ёки иморатларга оид инвестициялар ҳам бўлади, улар мохиятига кура инвестицияланаётган субъектнинг еки инвестицияланаётган субъектлар ҳам киритиладиган айни уша гуруҳга кирувчи субъектнинг ишлаб чиқариш фаолиятида фойдаланилмайдагилар, балки даромад олиш мақсадида ижарага берилади

Молиявий қуйилмаларга субъектнинг давлат қимматли қоғозлари (облигациялар сертификатлар ва бошқалар)га оид инвестициялари шунингдек, ўзга юридик ва жисмоний исталган шаклларда берилган қарзлар киради. Молиявий қуйилмаларнинг ўзига хос шакли бўлиб, ўз акцияларини еки ўз устав капиталидаги катнашиш улушини сотиб олишга оид хужалик юритувчи субъектнинг харажатларини ҳисобланадилар.

Молиявий қуйилмаларнинг иқтисодиётдаги роли ва аҳамиятини бизнинг фикримизча уч томонлама куриб утиш мумкин. Биринчидан, фаолиятини юритиш ва уни ривожлантириш учун маблағ излаётган хўжалик юритувчи субъект инвесторларни жалб этиш орқали керакли маблағ билан таъминланиб, фаолиятини янада ривожлантиришга эришади ва табиийки, молиявий ҳолати яхшиланиб, юкори курсаткичга эришиши орқали жамият ва давлат олдидаги бурчини уйдалайди ҳамда солиқ суммларини тулаш орқали бюджетга ўз улушини кушади. Иккинчи томондан эса, вақтинча буш маблағларга эга бўлган субъект уни инвестиция сифатида жалб этиши орқали маълум бир миқдорда ижобий молиявий курсаткичга эга бўлади ҳамда ундан солиқ суммаларини тулаш орқали жамият ва давлат олдидаги ўз бурчини

⁴ Жўраев Н., Бобожонов О., Абдувахидов Ф., Сотволдиева Д. Молиявий ва бошқарув ҳисоби. Дарслик. -Т.: 2007 й

утайди. Учинчи толмондан давлат бокиманда корхонани маблағ билан таъминлашдан озод бўлади ҳамда инвестицияни жалб этган ва инвестиция сифатида маблағини куйган субъектларнинг молиявий фаолияти ривожланишидан манфаатдор бўлади.

Юкоридагилардан мулохаза килиб, шуни таъкидлаш мумкинки, инвестицион фаолият жамият учун, халқ хужалигини ривожлантириш учун муҳим аҳамият касб этади. Бизнинг фикримизча, хорижий инвесторларни мамлакатимиз инвестицион фаолиятига янада кенгрок жалб этиш ҳам муҳим заруриятлардан бири бўлиб ҳисобланади.

Молиявий қуйилмалар муддатига кура узок ва қисқа муддатли инвестицияларга бўлинади.

Қисқа муддатли еки жорий инвестициялар ўзида муоммала муддати 12 ойдан ошмайдиган енгил сотиладиган моддий активларнинг харид қилинишига оид харажатларни акс эттиради. Улар бухгалтерия ҳисобида 5810 “Қисқа муддатли молиявий қуйилмалар” баланс сметида оборот маблағлар сифатида қуйидагиларни акс эттиради:

-облигациялар, давлат ва маҳаллий қарзлар турли қорхоналар ва тадбирқорларнинг шунга ухшаш қимматли қоғозларини олишга оид қисқа муддатли харажатлар қаракати ва қолдиқлари;⁷

-банкнинг депозит сметида еки ўзга қил айна ухшаш қуйилмаларнига жалб қилинган қул маблағларининг қаракати ва қолдиқлари;

-қисмоний ва қуридик шахсларга берилган қисқа муддатли қул ва ўзга қил қарзларнинг қаракати;

Жорий инвестициялар қлуши еки қарзни қимматбаҳо қоғозлар қуринишида бўлади. Қлушли қимматбаҳо қоғозлар яъни акциялар молиявий инструмента сифатида, қулк (қаптал) сотиш еки олиш ва унга эгалик қилиш ҳуқуқини тасдиқлайдиган ҳужжат бўлиб ҳисобланади. Қлушли қимматли қоғозлар одатда оддий ва имтиёзли акцияларга бўлинади.

⁷ Валентина Фомина Бухгалтерия ҳисоби миллий андозалари: қўлланиш амалиёти СБХ газета №10/2000й 08,03-15.03.

Оддий акциялар - бу унинг эгасига корпорацияга шериклик қилиш шунингдек унинг активларига эгалик қилиш ҳуқуқини берадиган қимматбаҳо қоғоздир.

Имтиёзли акция - акциянинг ўзгача тури ҳисобланиб, одатда олдиндан дивидент даражаси белгиланиб, унинг эгалари оддий акцияга нисбатан компания фойда активларидан устунрок фойдаланиш ҳуқуқига эгаси бўлишини акс эттирадиган ҳужжатдир.

Карзли қимматбаҳо қоғозларга облигациялар, хазина векселлари, депозит сертификатлари қиради. Облигация –бу молиявий инструмент бўлиб, инвестор олдидаги эмитентнинг мажбуриятини ифодалайди. Облигациялар белгиланган муддатда туланиши ҳамда фоизларни маълум давр мобайнида тулаб борилиши талаб қилинади. Облигация эгалари компанияда унинг улушини ифодаловчи сертификатга эга бўлади.

Облигацияларнинг қуйидаги турлари мавжуд :

а) таъминланган - фоизларни тулашни кафолатлаш мақсадида маълум ўз активлари орқали тулашни билдиради.

б) таъминланмаган – оддий кредит сифатида чиқарилади ва даъво ҳуқуқи мавжуд эмас.

в) мустаҳкамланган - бир вақтда чиқарилган облигацияларнинг ҳаммаси бир вақтда туланади .

г) сериялаб туладиган - облигациялар маълум бир давр оралигида қисман туланади.

д) қайд этилган –эмитент китобига унинг эгасининг исми ва ўзи қайд этилади.

е) купонли (қайд этилмайдиган) - фоизлар суммаси ва уларнинг тулов муддатлари езиладиган купонли облигациялар.

Узоқ муддатли молиявий қуйилмалар –бу узоқ муоммала муддатига эга бўлган (12 ойдан ортиқ) активларнинг сотиб олинishiга оид қуйилмалардир. Улар бухгалтерия ҳисобида 0600-“Узоқ муддатли молиявий

куйилмалар” баланс счётида узоқ муддатли активлар сифатида, куйидагиларни ҳисобга олган ҳолда юритилади:

-бошқа акциядорлик жамиятлари акция ва бошқа субъектларнинг, шу жумладан шуъба субъектларининг устав капиталларига оид узоқ муддатли куйилма мавжудлиги ва ҳаракати;

-давлат ва маҳаллий қарзлар облигациялар сертификатлар ва тижорат банклари, ҳужалик юритувчи субъектлар ва тадбиркорлик тўзилмаларининг шунга ухшаш қимматли қоғозларига оид узоқ муддатли инвестициялар;

-субъектларга, ўзга ҳил тадбиркорлик тўзилмаларига берилган узоқ муддатли пул ва бошқа қарзларга оид қарзлар ҳаракати.

Шунингдек, молиявий куйилмаларни каерда ва нимага сарфланишига кура турларга ажратиш лозим. Масалан, қишлоқ хўжалигидаги асосий воситаларга еки саноатдаги материаллар олинишига кура, сарфланишига туркумланиши мумкин. Бу йул орқали киритилаётган куйилмаларнинг канчалик самара келтираётганлигини ёхуд унинг истиқболини ҳамда унинг сарфланиши устидаги кучли назоратни аниқлаш мумкин. Яъни бу усул ҳозирги ривожланаётган бозор иқтисоди шароитида ўз маблағларидан янада самаралироқ фойдаланиш имконини яратиш билан бирга ривожланишга муҳтож соҳаларни ривожланишга олиб келади.

Мулк, шу жумладан қимматли қоғозлар ҳам бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботида ўз аксини топиши учун баҳоланиши лозим.

Қимматли қоғозларни баҳолашда асосан, номинал, эмиссион, бозор, тугатилиш, баланс, дисконт ва қийматларнинг бошқа турлари кулланилади.⁵

Қимматли қоғозларни баҳолашнинг кайси турларини куллаш уларни ҳисобга олувчи субъект мқаомига боғлиқ бўлади, чунки эмитент учун баҳолашнинг маълум бир ҳили хос бўлса, инвесторлар учун бошқа тури хосдир. Хусусан, эмитент чиқарган қимматли қоғозлар номинал, эмиссион, бозор, сотиб олинадиган, тугатилиш қийматларида ҳамда соф активлардан келиб чиқган ҳолда, акциялар қийматида акс эттирилса, номинал, бозор ва

⁵ О.Бобожонов, К.Жуманиёзов. Молиявий ҳисоб. Дарслик –Т.:2002й.

кайта баҳолаш қийматлари инвестор учун баҳолашнинг асосий турлари саналади.

Номинал қиймат, асосан акция ва облигацияларнинг мажбурий реквизити сифатида мавжуд бўлиб, у эмиссия жараёнида, яъни қимматли қоғозларнинг бирламчи жойлаштирилиш босқичига хосдир. Масалан, акциянинг номинал қиймати корхонанинг устав капиталини шакллантириш даврида, унинг қанча қисми ҳар бир акцияга тўғри келишини курсатса, облигацияларнинг номинал қиймати, ўз навбатида, эмитент олган қарзнинг муддати тугаши билан кредиторга қанча тулаш лозимлигини курсатади.

Эмиссион қиймат деганда, қимматли қоғозларнинг бирламчи жойлаштириш жараёнида, эмитент томонидан таклиф этилаётган қиймат тушунилади. Шу уринда эмиссион қиймат қимматли қоғозларнинг номинал қиймати билан мос келиши ёки мос келмаслиги ҳам мумкин.

Бухгалтерия ҳисобининг 12-сонли “Молиявий инвестициялар ҳисоби” Миллий стандартига мувофиқ, бозор қиймати бу актив бозорда аниқланадиган инвестициялар суммасидир.

Қимматли қоғозларнинг бозор қийматини бухгалтерия ҳисобида акс эттирилиши, мавжуд меъёрий ҳужжатларда уни шаклланиш механизми сифатида ҳисобга олиш услуби ишлаб чиқарилмаганлиги кўзга ташланади. Чунончи, бухгалтерия ҳисобининг 12-сонли миллий стандартига асосан, корхоналарнинг акция ва бошқа қимматли қоғозларнинг бозор қийматида баҳолашда биржа ёки махсус кимошди савдолари котировкасини мунтазам чоп этилган ҳолатда олиш мумкинлиги курсатилган.⁸ Бундай ҳолда, амалдаги қонунчиликда баъзи бир ноаниқликларни учратиш мумкин:

- биринчидан, алоҳида утказилаётган махсус кимошди савдолари, тасодиқий ёки атайин уюштирилган ажиотаж ҳолатни уйғотиш мақсадида шаклланган баҳоларни қимматли қоғознинг бозор қиймати (уни қайта баҳолашда ишлатиш мақсадида) деб қараш мумкин;

⁸ Бухгалтерия ҳисобининг 12-сонли “Молиявий инвестициялар ҳисоби” Миллий стандарти Т.1998й

- иккинчидан, нима учун биржадан ташки савдо натижалари (махсус кимошди савдоларидан ташкари)га бозор қиймати сифатида караш мумкин эмас. Агарда, бир хил қимматли қоғозларнинг бир нечта биржа ва биржадан ташкари майдончаларда мунтазам ёки даврий сотилиш мумкинлигини инобатга олсак, масала бундан ҳам чигаллашади.

Сотиб олиш қиймати -эмитентнинг бозор конъюнктурасини ўзгариши билан боғлиқ бўлиб, ўз акцияларини сотиб олиши ёки облигацияларини муддатидан илгари сотиб олиш учун тулайдиган суммадир. Сотиб олиш қиймати бозор ёки номинал қиймати билан мос келиши ёки ҳисоб-китоб йули билан ҳам аникланиши мумкин.

Ўз акцияларини баҳолаш соф активлар қийматидан келиб чиққан ҳолда, бир дона акцияга тўғри келадиган ўз маблағлари ҳажмини белгилайди. Ўз акциялари қиймати соф активлар қийматидан келиб чиққан ҳолда , баланс қиймати номини олди.

Бироқ, БХМС га мувофиқ, “Баланс қиймати - ҳисобот давридаги бухгалтерия балансида курсатилган актив ва мажбуриятлар қиймати”ни ифодалайди. Шунинг учун, “акцияларнинг баланс қиймати” иборасини куллаш мобайнида ўз акцияларининг қиймати соф активлар қийматидан келиб чиқиши керакми ёки акцияларни ҳисобга олиш буйича умум қабул қилинган усулга ёндошиш керакми, деган савол тугилиши табиийдир.

Шуни айтиш жоизки, ҳозирда, бухгалтерия ҳисобининг 12-сонли миллий стандартида узоқ муддатли молиявий инвестицияларни қайта баҳолаш қийматида, молиявий ҳисоботларда акс эттириш мумкинлиги курсатилган бўлсада, уни ҳисоблаш тартиби факатгина хусусийлаштирилган инвестиция фондлари учун ишлаб чиқилган.

1.3. Иқтисодиётнинг асосий етакчи соҳаларини модернизация қилишини ривожлантириш учун фаол инвестиция сиёсатини олиб бориш

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози ҳукм сураётган айти дамда, иқтисодиётнинг реал сектор корхоналарини, шунинг билан бирга

инфратузилма объектлари ривожланишини қўллаб-қувватлаш мақсадида инвестицион маблағларни топиш ва уларни мақсадли йўналтириш муҳим омиллардан бирига айланмоқда.⁶

Ўтган 2009 йилда Инқирозга қарши чоралар дастурини амалга оширишда инвестицияларни жалб этиш, аввало, ички манбаларни сафарбар этиш ҳисобидан иқтисодиётимизнинг муҳим тармоқларини жадал модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, транспорт коммуникацияларини янада ривожлантириш ва ижтимоий инфратузилма объектларини барпо этиш ҳал қилувчи устувор йўналишга айланди.


Инвестициялар – даромад олиш мақсадида иқтисодий ва бошқа фаолият объектларига киритиладиган моддий ва номоддий неъматлар ҳамда уларга доир ҳуқуқлар.

2009-2012 йилларга мўлжаллаб қабул қилинган Инқирозга қарши чоратadbирлар дастурида назарда тутилган асосий йўналишларнинг учинчи бўлими «Иқтисодиётнинг реал сектори соҳасида ресурс базасини кенгайтириш ва инвестицион фаоллик ўсишини таъминлаш чоралари»га қаратилган бўлиб, биргина 2009 йилнинг ўзидаёқ дастурни ижросини таъминлаш, яъни тижорат банклари томонидан корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлашга қаратилган лойиҳаларни молиялаштириш учун жами 2,4 трлн. сўм миқдорида ёки 2008 йилга нисбатан 1,6 баробарга кўп инвестицион кредитлар ажратилди.

Хусусан ўтган 2009 йилда инвестиция дастури ва техник модернизациялаш бўйича тармоқ дастурлари доирасида 690 та инвестиция лойиҳаси амалга оширилиб, шулардан 303 таси муваффақиятли якунланди. Жалб этилган хорижий инвестицияларнинг ҳажми 68 фоизга ўсди, уларнинг асосий қисми тўғридан-тўғри киритилган инвестицияларни ташкил этди.

⁶ Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг «Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир» ҳамда «Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир» номли маърузаларини ўрганиш бўйича Ўқув-услубий мажмуа. – Тошкент: Иқтисодиёт. - 2010. – 340 бет.

2009-2014 йилларда амалга ошириш кўзда тутилган инвестицион лойиҳалар Дастурини тўлиқ амалга ошириш учун барча молиявий манбалар ҳисобидан жами 42,5 млрд. доллар миқдорида маблағ ажратилиши кўзда тутилган (1-расм).



1-расм.

Шунингдек, маърузада 2010 йилда мамлакатимизда муҳим стратегик лойиҳаларни амалга ошириш учун 3 миллиард АҚШ долларидан зиёд ёки ўтган йилга нисбатан 30 фоиз кўп хорижий инвестициялар жалб қилинишини ва тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажми 46 фоизга ошиши режалаштирилаётганлиги алоҳида эътироф этилди.

Бундай йирик лойиҳаларни амалга ошириш учун ички ресурсларни жалб қилишда 2007 йилда ташкил этилган Ўзбекистон Тикланиш ва тараққиёт фонди маблағларидан фойдаланиш кўзда тутилмоқда. Бунда инфратузилма объектларини ривожлантириш учун ажратилиши белгиланаётган инвестицияларга урғу берилаётганлигининг асосий сабаби – инфратузилмани ривожлантириш орқали аҳоли яшаш шароитларини янада яхшилаш, турмуш даражасини ошириш ва халқ фаровонлигини таъминлаш мақсадига эришишдан иборатдир. Бугунги кунда фақатгина мазур жамғарма маблағлари эмас, балки тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар, халқаро молия

институтлари ва корхоналарнинг маблағларини жалб қилиш йўли билан иқтисодиёт тармоқларини босқичма-босқич модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш ишлари ҳам амалга оширилмоқда.

Халқаро молия институтлари билан ҳамкорликнинг мунтазам равишда кенгайтириб борилиши, узок муддатли инвестициявий қарзларнинг ва тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг жалб этилиши Ўзбекистондаги Инкирозга қарши чоралар дастурида етакчи ўрин тутди. Қуйидаги рақамлар бу тўғрида энг ишончли маълумотларни беради: 2009-2014 йилларда модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлашга қаратилган муҳим лойиҳаларни амалга ошириш бўйича ишлаб чиқилиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан 2009 йилнинг 12 мартда тасдиқланган дастур доирасидаги инвестициявий лойиҳаларни амалга ошириш учун халқаро молиявий ташкилотлар, икки томонлама шартномалар ва етакчи хорижий компанияларнинг умумий миқдори 22 миллиард доллардан зиёд кредитлари ва инвестицияларни жалб этиш кўзда тутилган эди. Ҳозирги кунда умумий қиймати 19 миллиард доллардан ортиқроқ бўлган 80 дан зиёд лойиҳаларни инвестициялаш ва молиялаш бўйича аниқ манбалар белгиланиб, хорижий шериклар билан шартномалар имзоланди.

Бу шериклар орасида Осиё Тараққиёт банки (ОТБ), Жаҳон банки (ЖБ), Ислон Тараққиёт банки (ИТБ) ва бошқа халқаро молиявий институтлари алоҳида ўрин тутди. Узлуксиз макроиқтисодий барқарорлик, иқтисодий ўсишнинг юксак суръатларини таъминлаш, тузилмавий ўзгаришларни изчил амалга ошириб бориш, шунингдек, иқтисодиётни ҳамда унинг таянч ва ижтимоий инфратузилмаларини босқичма-босқич модернизациялаштириб боришни таъминлашга қаратилган Ўзбекистон иқтисодий стратегияси халқаро молиявий институтлар билан ҳамкорлик кўламининг янада жадал ўсиб боришига замин яратади.

Умуман айтганда, жаҳон молиявий-иқтисодий инкирози шароитида Ўзбекистон иқтисодиётининг муваффақиятли ва барқарор ривожланишининг асосида чуқур ўйланган, Ўзбекистонга хос хусусиятлар тўла ҳисобга олинган

иқтисодий ислохотларнинг ўзига хос ва ўзимизга мос модели мужассам. Ушбу дастурнинг ўтган 18 йил мобайнида изчил амалга ошириб келиниши собиқ «Марказ»га ҳар томонлама боғланиб қолган аграр, паст технологияли ва самарасиз иқтисодий тузилманинг диверсификациялашган, жаҳон бозорига рақобатбардош, кенг даражада хилма-хил тайёр маҳсулотлар билан чиқаётган, узлуксиз юқори суръатлардаги иқтисодий юксалишга мойил, жиддий расмий омиллар ва бенуксон кредит тарихига эга бўлган замонавий иқтисодиётга айланишини таъминлайди.


Чет эллик инвесторлар асосан даромад (фойда) олиш мақсадида тадбиркорлик фаолияти ва бошқа турдаги фаолият объектларига қўшадиган барча турдаги моддий ва номоддий бойликлар ва уларга доир ҳуқуқлар, шу жумладан интеллектуал мулкка доир ҳуқуқлар, шунингдек чет эл инвестицияларидан олинган ҳар қандай даромад Ўзбекистон Республикаси ҳудудида *чет эл инвестициялари* деб эътироф этилади.

Бу, ўз навбатида, инқирознинг нафақат салбий оқибатларини юмшатишга, балки Ўзбекистон иқтисодиётини янада кучли ва бардошли иқтисодиётга айлантиришга қаратилган инқирозга қарши чораларнинг кенг миқёсли комплекс дастурини ишлаб чиқиш ҳамда уни тезроқ амалга ошириш имконини берди. Бунда эса энг ҳал қилувчи вазифа — хорижий инвестициялар ва узоқ муддатли инвестициявий кредитларни жалб этиш эвазига иқтисодиётнинг ишлаб чиқариш асосини тубдан модернизациялаш, уни техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлашдан иборат.

Маълумки, молиявий мақсадларни мамлакатимиз иқтисодиётига жалб этиш ва улардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш юқори ликвидли рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқариш, иқтисодиётнинг реал секторини жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий таъсиридан ҳимоя қилиш имконини беради. Мазкур мақсадларни амалга ошириш учун ўтган 2009 йилда Президентимиз қарорлари асосида республикада инфратузилмани ривожлантиришга қаратилган бир қанча қарор ва дастурлар қабул қилиниб, ҳаётга кенг татбиқ этилди. Хусусан, Инвестиция дастури

(2008 йил 2 октябрдаги ПҚ-969-сон), «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» давлат дастури (2009 йил 26 январдаги ПҚ-1046-сон), «Ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш» дастури (2009 йил 20 январдаги ПҚ-1041-сон) ҳамда «Қўшимча инфратузилма объектларини куриш» дастури (2009 йил 17 мартдаги ПҚ-1073-сон) шулар жумласидандир.

Мамлакатимизда 2010 йил учун амалга ошириш белгилаб олинган инвестиция дастурида молиялаштиришнинг аҳамиятли қисми корхона маблағлари (42,6 фоиз) ҳамда тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш (21,3 фоиз) орқали амалга оширилиши режалаштирилган (2-расм). Тижорат банклари кредитлари ва бошқа қарз маблағлари, аҳоли маблағлари ва Тикланиш ва тараққиёт маблағлари ҳисобига 2010 йилда жами инвестицион маблағларнинг 22,6 фоизи тўғри келиши назарда тутилган. Бундан кўриниб турибдики, асосий эътибор корхона маблағлари ва тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажми кўламини ошириш ва бунинг натижасида ишлаб чиқаришнинг техника ва технологик қувватларини модернизациялаш, меҳнат унумдорлигини ошириш орқали аҳолининг юқори даромад олишига эришиш, буларнинг оқибатида эса, мамлакат фаровонлигини юксалтириш мақсад этиб қўйилган.



2-расм.

Бу борада тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этадиган иқтисодиёт тармоқлари корхоналари асосий фаолияти бўйича даромад солиғи, мулк солиғи, ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш ва ҳудудларни ободонлаштириш солиғи, микрофирма ва кичик корхоналар учун белгиланган ягона солиқ тўлашдан, шунингдек Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмалар тўлашдан хорижий инвестициялар ҳажми қуйидагича бўлганда озод қилинади:

- 300 минг АҚШ долларида 3 миллион АҚШ долларида - 3 йил муддатга;
- 3 миллиондан ортиқ АҚШ долларида 10 миллион АҚШ долларида - 5 йил муддатга;
- 10 миллион АҚШ долларида ортиқ бўлганда - 7 йил муддатга.

Бу йўналишда аниқ мақсадли иш олиб бориш нафақат инвестицияларни, балки энг аввало, илғор технология ва ноу-хауларни жалб этишни кўзда тутди. Улар эса Ўзбекистонга жаҳон бозорида ўз маҳсулотларининг рақобатбардошлигини ошириш имконини беради. Айтиш керакки, жиддий хорижий инвесторлар учун яратилаётган кенг истикболлар ва имкониятлар ҳамда аниқ баён этилган тараққиёт устуворликлари етакчи трансмиллий компаниялар ва корпорацияларнинг мамлакатимизга ўз инвестицияларини олиб киришига юқори даражада интилишини таъминлайди. Сўнгги йилларда жалб этилган ҳамда изчил ва барқарор иқтисодий ўсиш, янги юқори технологияли иш ўринларини яратиш ҳамда аҳоли даромади даражасини кўтаришнинг ишончли манбаига айланган узоқ муддатли инвестициялар ҳажми 35 миллиард доллардан ошди.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон иқтисодиётининг етакчи тармоқлари бўлган нефть-газ ва нефть-кимё соҳаларида «Хитой миллий нефть корпорацияси», Жанубий Африканинг «Сасол», Малайзиянинг «Петронас», Кореянинг «Лотте», «LG international», «SK» корпорациялари, Корея миллий нефть корпорацияси, Корея миллий газ корпорацияси, Россиянинг «Газпром» ва «Лукойл», Американинг «Техасо», Япониянинг «Мицуи» ва «Марубени»

корпорациялари, машинасозлик соҳасида – Американинг «Женерал Моторс», Германиянинг «МАН», Япониянинг «Исузу»; авиация инфратузилмаси ва мультимодал логистика соҳасида – Кореянинг «Кореян Эйр» ва Япониянинг «Мицубиси»; озиқ-овқат ва тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш соҳаларида – Швейцариянинг «Нестле», Англия-Американинг «ВАТ», кимё соҳасида – Испаниянинг «Максам»; тўқимачилик ва енгил саноат соҳаларида – Кореянинг «ДЭУ интернэйшнл», Ҳиндистоннинг «Спентекс», Япониянинг «Мицубиси» ва бошқа ўнлаб хорижий компаниялар, банк-молия секторида «Royal Bank of Scotland», «Корея Тараққиёт банки» ва ҳоказолар яқин шериклар ҳисобланади. Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида хорижий инвесторлар билан биргаликда фаолият олиб бораётган қўшма корхоналарнинг сони 4 мингдан ошди.

Кенг миқёсдаги инвестициялар, ривожланиш мақсадларида халқаро молиявий институтлар билан ўрнатилган фаол ҳамкорлик, хорижий инвесторлар учун имкониятлар изчил равишда кенгайтирилиб борилиши келгуси 2010 йилда Ўзбекистондаги иқтисодий ўсишни камида 8,3 фоиз даражасида белгилаш ва унга эришиш имкониятини беради. Бундай мақсадларнинг асосли эканлиги энг обрўли халқаро молиявий институтлар томонидан бир неча бор тасдиқланган.

Шу ўринда ички инвестициялардан фойдаланиш борасида ҳам мамлакатимизда талай ишлар амалга оширилиб келинаётганлигини таъкидлаб ўтиш жоиздир. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 6 апрелдаги 1090-сонли Қарори ҳамда мазкур қарор билан тасдиқланган «Аҳоли ва хўжалик субъектларининг бўш пул маблағларини тижорат банкларидаги депозитларига янада жалб этиш бўйича қўнимча чоратadbирлар комплекси» доирасида банк тизимида бу борада олиб борилаётган ишлар янада фаоллашди.

Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар - ўзга мамлакат резидентлари томонидан бошқа мамлакат реал активларига маблағ киритиш, уни тасарруф этиш ва улар ишлатилиши устидан назорат ўрнатиш.

Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожлантириш ташкилоти тавсифига кўра акцияларни камида 10 фоизига эгалик қилиш.⁷

Бугунги кунда ички инвестициялардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш бўйича:

- тижорат тузилмаларини кафолатга бўлган талабини таъминлаш мақсадида кафолат-гаров жамғармалари тизимини шакллантириш;

- аҳоли бўш пул маблағларини инвестицион жараёнларга жалб қилиш мақсадида қимматли қоғозлар бозорини янада ривожлантириш, турли қимматли қоғозларни муомалага чиқариш (уй-жой сертификатлари ва уй-жой облигациялари);

- ишлаб чиқаришни тузилмавий-технологик қайта қуришни жадаллаштириш мақсадида марказлашган кредит ресурсларнинг бир қисмини тез қоплайдиган инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришга қаратиш, шу жумладан кичик бизнес объектларига йўналтириш;

- инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришнинг нокредит усулларида бўлган лизинг, франчайзинг, факторинг кабилардан фойдаланишни кенгайтириш;

- инвестицион лойиҳаларни сифатини ошириш, лойиҳаларни капитал қўйилмалар самарадорлиги талабларига мос келиши мақсадида тижорат асосида доимий равишда фаолият юритадиган инвестицион лойиҳалар кўргазмасини ташкил қилиш ишлари амалга оширилиб келинмоқда.

Ўзбекистон Республикасида хорижий инвестицияларни жалб этиш соҳасидаги асосий меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар:

- Ўзбекистон Республикасининг «Инвестиция фаолияти тўғрисида»ги Қонуни, 4.12.1998 й.

- Ўзбекистон Республикасининг «Чет эл инвестициялари тўғрисида»ги Қонуни, 30.04.1998 й.

⁷ Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг «Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир» ҳамда «Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир» номли маърузаларини ўрганиш бўйича Ўқув-услубий мажмуа. – Тошкент: Иқтисодиёт. - 2010. – 340 бет.

- Ўзбекистон Республикасининг «Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва ҳимоя чоралари тўғрисида»ги Қонуни, 30.04.1998 й.

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг 2010 йилги Инвестиция дастури тўғрисида»ги Қарори, 28.10.2009 й.

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш борасидаги кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони, 11.04.2005 й.

Республикаимизга хорижий инвестиция ва кредитларни жалб қилиш схемаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 24 июлдаги 927-сонли Қарорига мувофиқ амалга оширилади (3-расм).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 6 февралдаги 578-сонли Қарорига мувофиқ хорижий инвестицияларни ахборот билан таъминлаш ва кўмаклашиш «Ўзинфоинвест» агентлиги хорижий инвесторларга ахборот билан қўллаб-қувватлаш ҳамда ҳар тарафлама кўмаклашиш мақсадида ташкил этилган. Агентлик Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ҳузуридаги юридик шахс ҳуқуқларига эга бўлган мустақил муассасадир.

«Ўзинфоинвест» агентлиги 3 та йўналиш бўйича хорижий инвестицияларни жалб этади:

1) тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар:


- давлат инвестиция дастури йиғма рўйхати лойиҳалари;

- ҳудудий инвестиция дастури лойиҳалари;

- давлат кафолати остида имтиёзли кредит маблағларини жалб этиш йиғма рўйхати;

- грант маблағлари.

Республикага хорижий инвестиция ва кредитларни жалб қилиш схемаси



3-расм.

2) корхоналарнинг акциялар пакетини истиқболли хорижий инвесторларга таклиф этиш;

3) кимошди савдоларига мулкый мажмуа сифатида қўйилган корхоналарни истиқболли хорижий инвесторларга таклиф этиш.

Шунинг билан бирга «Ўзинфоинвест» агентлиги маҳаллий тадбиркорлик субъектларига хорижий инвесторларни топиш, уларни Ўзбекистонга таклиф қилиб музокаралар ташкил этишга кўмаклашиш, инвесторларга республика инвестицион салоҳияти, шунингдек солиқ ва қонунчиликдаги бошқа имтиёзлар тўғрисида маълумот беради.

2.60б. “JMP International” қўшма корхонасида хорижий инвестициялар таҳлилни ташкил қилиш

2.1. “JMP International” қўшма корхонасида хорижий инвестицияларидан фойдаланиш таҳлили, унинг турлари ва асосий йўналишлари

Ўзбекистон Республикасининг «Инвестиция фаолияти тўғрисида»ги қонуннинг 2-моддасига биноан «инвестициялар иқтисодий ёки бошқа фаолият объектлари сарфланадиган моддий номоддий бойликлар ҳамда уларга доир ҳуқуқлардан иборатдир».⁹

Инвестиция лотинча «INVEST» сўзидан олинган бўлиб «сармоя» деган маънони билдиради. Кенгроқ маънода қўлланилганда фойда олиш мақсадида мамлакат ичкарисида ва чет элларда саноат, қишлоқ хўжалиги ва бошқа тармоқларига қўйилган узоқ муддатли маблағ сармояни билдиради.

Хорижий мамлакатлар тажрибаси ва инвестиция тўғрисида ўзимизда қабул қилинган қонуннинг таҳлилидан келиб чиқиб, инвестициянинг шартли равишда 3 та турини ажратиш мумкин:

-Молиявий инвестициялар

-Моддий инвестициялар

-Ақлий инвестициялар

Бозор иқтисодиёти шаротида ҳар бир инвестиция турининг ўзига хос ўрни бўлади. Молиявий инвестициялар таркибига маҳаллий ва хорижий мамлакатларнинг пул бирликлари, банклардаги омонатлар, векселлар ва бошқа қимматли қоғозлар ҳамда уларга тенглаштирилган бойликлар киради.

Моддий инвестициялар таркибига асосий фондлар, яъни бинолар, асбоб-ускуналар, иншоотлар ва бошқа турдаги асосий ишлаб чиқариш фондларининг актив ва пассив қисмлари киради.

Ҳамма турдаги инвестициялар, уларнингн ҳажмидан қатъий назар, бирор-бир инвестицион жараённинг натижасидир.

⁹ Ўзбекистон Республикасининг «Инвестиция фаолияти тўғрисида»ги Қонун. Т. 1998й

Инвестицияда қатнашиш таснифига кўра:

-тўғридан-тўғри инвестициялар - асосан объект аниқ маълум мақсадни амалга ошириш реал бўлган тақдирда йўналтирилган маблағдир.

-бошқа инвестициялар – булар воситачилар орқали объектларга сарфланади ва олинган даромад мижозлар ўртасида тақсимланади.

Инвестициялаш даврига қараб қисқа муддатли ва узоқ муддатли инвестицияларга бўлинади: қисқа муддатли инвестициялар бир йилгача бўлган омонат сертификатлари ва бошқа қимматли қоғозлардир; узоқ муддатли инвестициялар бу бир йилдан ортиқ муддатларга қўйилган капитал бўлиб, 2 йилга, 2-3 йил ва 5 йилдан ортиқ муддатларга ҳам қўйилиши мумкин.

Худудий белгилари бўйича инвестициялар қуйидагича бўлинади:

- мамлакат ичкараси ва ҳудудларга қўйиладиган инвестициялар;
- хорижга инвестициялар қўйиш, хориж инвестицияларининг кириб келиши ёки акция, облигациялар шаклида ҳам бўлиши мумкин;
- хориж инвестициялари деганда чет эл фуқаролари, юридик шахслар ва давлатлар томонидан қўйилган инвестициялар тушунилади;
- ҳамкорликдаги инвестицияларга мазкур мамлакат ва хориж мамлакатларининг биргаликда қўядиган инвестициялари киради.

Инвестор инвестиция объектлари ва натижаларига, жумладан, реинвестициялар ва савдо ишларига эгалик қилиш ва уларни ўз ихтиёридан киритиши ҳуқуқига эгадирлир. Инвестицион фаолият объектларининг ўзаро муносабатлари, шартномалар билан тартибга солинади.

Бу турдаги хорижий инвестицияни жалб қилиш ҳисобига қуйидаги ютуқларга эришиш мумкин:

- асосий ишлаб чиқариш ҳисобига фонд қайтими кўрсаткичи ошади;
- асосий ишлаб чиқариш ўсиши бюджет тушумини оширади;
- асосий ишлаб чиқариш ўсиши ишсизликни камайтиради;
- ва ниҳоят, республикада аҳолини импорт товарлар ва хизматларга бўлган талаби қондирилишига қисман эришилади. Давлат энг керакли

товарлар импортини валюта билан таъминламоқда. Бироқ, бу ўз ўрнида бизни валюта захирамизни камайтиради ва қарзни оширади.

ўз ўрнида агар инвестицион муҳит ёмон бўлса, инвестиция қўшни давлатларга оқади. Демқа, биз инвестицион муҳитга катта эътибор беришимиз керак.

Чет эл инвестициялари нуқтаи назаридан инвестицион муҳитга таъсир кўрсатадиган асосий омил булиб республикамиздаги иқтисодий сиёсий барқарорлик ҳисобланади.

Республикамизда кечаётган мана шу сиёсий ва иқтисодий барқарорлик туфайли қисқа вақт ичида кўпгина аниқроғи 3200 дан ошиқ қўшма корхоналар ташкил этилди Бугун ўзбекистонда қўшма корхоналар учун солиқ имтиёзлари ҳам берилган. Буларнинг барчаси инвестицион муҳитни яхшиламоқда.

2.2. “JMP International” қўшма корхонасида хорижий инвестицияларидан фойдаланиш таҳлили

Маблағлардан фойдаланишда ишлаб чиқариш йўналиши ҳам корхона, ҳам жамият учун мақулроқ бўлар эди. Чунки, ишлаб чиқаришда аниқ турдаги маҳсулот (иш, хизмат) яратилиб иқтисодий қиймат билан биргаликда истеъмол қиймати ҳосил қилинади. Баҳоси ҳамда истеъмол қиймати ва унинг сифати харидор талабини қондирса, мазкур турдаги маҳсулот (иш,хизмат) ишлаб чиқариш давомийлиги ошади. Демқа, маблағ айланиши таъминланади. Энг асосийси инвесторлар сарфлаган маблағидан кўзда тутилган самара оладилар.

Инвестицион фаолиятини таҳлил қилиш, аввало таъминот режасини бажаришини ўрганишдан бошланади. Бу жараёнда режада белгиланган асосий ва оборот активлар (уларнинг тури бўйича)ни келиб тушиши ёки ишлаб чиқаришга берилиши ҳолати, режа ва ҳақиқий маълумотларни таққослаш йўли билан кўрилади. Аниқланган оғишишлар ёки кечиқишлар сабаблари аниқланади. Улар туфайли эришиладиган молиявий натижага

кўрсатилган салбий таъсир миқдори ўрганилади, маъсулиятли шахсларга нисбатан тегишли кўрсатмалар берилади. Мазкур усулдаги таҳлил тезкор ёки муайян даврни камраб олган ҳолда (масалан: чораклик, йиллик) ўтказилиши мумкин. Албатта, таҳлил натижасида олинган хулосалардан самарали фойдаланиш имконияти қўлдан бой берилмаган даврда мазкур тадбир ўз аҳамиятини йўқотмайди.⁸

Маблағ айланишининг бевосита ишлаб чиқариш босқичида асосий ва оборот активларини ҳақиқий миқдор ва қиймат сарфи белгиланган режа бўйича амалга оширилиши таҳлил этилади. ўзгаришлар сабаблари ўрганилади.

-жадвал

2010 йил “JMP International” қўшма корхонаси капитал қўйилмаларга доир
ишлаб чиқариш харажатлари таҳлили

Харажатлар элементлари	Бизнес режа бўйича	Хақиқатда	Фарқи (+;-)
1. Моддий харажатлар	550	564	+14
2. Меҳнат ҳақи	100	110	+10
3. Ижтимоий суғурта	40	44	+4
4. Амортизация ажратмалари	165	165	--
5. Бошқа харажатлар	4	10	+6
ЖАМИ	859	893	+34

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, таҳлил этилаётган корхонада ишлаб чиқариш харажатлари режада белгиланган кўрсаткичларга нисбатан қиймат жиҳатдан жами +34 минг сўмга ортиқ сарфланган. Буларнинг асосий сабаблари қуйидагилардир:

Моддий харажатларнинг айрим турларини баҳоси ошганлиги(+14) ишлаб чиқариш жараёнида ортиқча меҳнат сарф қилинганлиги(+10) ҳамда

⁸ Воҳобов А.В., Иброҳимов А.Т., Ишонкулов Н.Ф. Молиявий ва бошқарув таҳлили: Ўқув қўлланма. – Т.: «Шарқ», 2004. – 481 б.

асосий воситалар жорий ремонт харажатлари кутилмаганда ошиб кетганлигидир(+6).

Албатта мазкур ортикча сарфлар маҳсулот сотиш баҳоси ўзгармаган тақдирда фойда суммасини камайтиради.

Капитал қўйилмалар таҳлилида уларнинг жорий йилдаги самарадорлик кўрсаткичларини ҳам ўрганиб чиқиб, ҳақиқий аҳволни ва унга таъсир этувчи омилларни билиш зарур. Бу маълумотлар капитал қўйималар қайтимини йиллар бўйича динамикасини таҳлил қилишда ва якуний самарадорликни аниқлашда ғоят муҳимдир. ⁹

-жадвал

2010 йил “JMP International” қўшма корхонаси апитал қўйилманинг ҳисобот йили бўйича рентабеллик даражаси таҳлили

Кўрсаткичлар	Хисобот йили харажатлари		Фойда		Рентабеллик		Фарки (+,-)
	Режа	Ҳақиқатда	Режа	Ҳақиқатда	Режа	Ҳақиқатда	
Жами харажатлар шу жумладан:	859	893	304	311	35.4	34.8	+0.6
Асосий воситаларнинг жорий харажатлари	165	165	х	х			
Оборот активлари	694	728	х	х			

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, корхонада рентабеллик даражаси айтарли даражада кескин ўзгармаган. Бироқ, +0.6 миқдордаги нисбий даража ҳам маълум маънода ижобий ҳолат деб бўлмайди. Бунинг асосий сабаби оборот активларидан фойдаланишда йўл қўйилган камчиликлардир.

Бу корхонада мазкур йўналишга маблағ сафланаётганда ёки инвестиция қилинаётганда лойиҳани ва унга мувофиқ келувчи режани ишлаб чиқишда бозор ҳолатини кескин ўзгаришини олдиндан кўра олмаганлигидир. Бироқ,

⁹ Воҳобов А.В., Иброҳимов А.Т., Ишонкулов Н.Ф. Молиявий ва бошқарув таҳлили: Ўқув қўлланма. – Т.: «Шарқ», 2004. – 481 б.

лойиха ва режанинг ижобий томони, дастлабки йиллардаёк капитал қўйилманинг 60% дан ошиқ қийматини қайтариб олмоқда ҳамда уларни реинвестиция қилмоқда. Бироқ, кейинги икки йилда бу жараён кескин пасайди. Энг асосий капитал қўйилма инфляция суръатини ҳам ҳисобга олган ҳолда ўз қийматини тўрт йил ичида қопламоқда.

Ишлаб чиқаришга сарфланган инвестицияларни таҳлил қилишда уларнинг молиялаштириш манбаларини ҳам алоҳида ўрганиб чиқиш талаб этилади. Чунки, мажбурият асосида молиялаштириш, ўз қиймати билан биргаликда маълум бир фоиз тўловини ҳам келтириб чиқаради. Бу эса, эришилган фойдани пировард натижада камайишига таъсир этади.

Муайян фаолиятни инвестициялаш жараёнида узоқ муддатли активларни жалб этишда ўз маблағларига сотиб олиш, кредит, лизинг йўли ёки ижара муносабатлари билан олиш вариантлари ҳам ўзаро таққосланиб энг яхши деб топилган тadbир танлаб олинади. Бунда қиймат жиҳатдан энг арзон, қайтими ўз ўсимига эга, молиялаштиришнинг қулайлиги каби жиҳатларига эътибор берилади.

Оборот маблағларидан унумли фойдаланишда ҳам юқорида айтиб ўтилган томонлар чуқур таҳлил талаб этади.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, инвестиция йўналишини ишлаб чиқаришга буриш энг аввало алоҳида жамоа ҳамда давлат манфаатларига мос тушади. Чунки, моддий неъматлар кўпаяди ҳамда истеъмол этилади.

Инвесторларга эса ишлаб чиқаришни ривожлантирганлиги учун солиқ қонунчилиги бўйича кўплаб имтиёзлар берилади.

2.3. “JMP International” қўшма корхонасида молиявий инвестициялар таҳлили

Бозор муносабатлари ривожланган шароитда муайян корхонада ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва аynиқса кенгайтириш қўшимча маблағ топиш мақсадида чиқарилган қимматбаҳо қоғозларсиз амалга ошиши қийин.

Ривожланган бозор иқтисодиёти шароитида қимматбаҳо қоғозларни сотиб олиш қуйидаги мақсадларни кўзда тутди:

- капитални аниқлаш;
- қўшимча фонд олиш;
- қимматбаҳо қоғозлар курсини ошиши эвазига капитални кўпайтириш.¹⁰

Том маънода бозор иқтисодиёти тўла шаклланиб бўлмаган мамлакатларда қимматбаҳо қоғозлар, уларга хос бўлмаган бошқа мақсадларда ҳам сотиб олиниши мумкин. Бундай мақсадлар жумласига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- ◆ қимматбаҳо қоғозлар сотиб олиш йўли билан мулк хуқуқларга эга бўлиш, дефицит маҳсулотлар ва хизматларга эга бўлиш;
- ◆ муомала шартларига кўра нақд пулни ўрнини боса оладиган қимматбаҳо қоғозларни сотиб олиш;
- ◆ бозорни ўрганиш учун;
- ◆ мулк таъсир даражасини кенгайтириш ва уни қайта тақсимлаш;
- ◆ нобарқарор бозор шароитида қимматбаҳо қоғозлар курслари ўзгаришлари асосида чайқовчилик қилиш ва х.к.

Қимматбаҳо қоғозларнинг ликвидлик масаласи бозор иқтисодиёти шаклланиб келаётган давлатларда фонд бозорини ривожлантириш билан боғлиқ ўта муҳим масалалар жумласига киради. Ликвидлилик даражаси қанча юқори бўлса, бундай қимматбаҳо қоғозларларнинг курси шунча мустаҳкам ва юқори бўлади. Демка, корхоналар қимматбаҳо қоғозларни сотиб олишда биринчи навбатда уларнинг шу жиҳатларига эътиборни қаратишлари керак.

Маълумки, қимматбаҳо қоғоз rischi қанча паст бўлса, унинг ликвидлилик даражаси шунча юқори бўлади. Лекин риск даражаси паст

¹⁰ Воҳобов А.В., Иброҳимов А.Т., Ишонқулов Н.Ф. Молиявий ва бошқарув таҳлили: Ўқув қўлланма. – Т.: «Шарқ», 2004. – 481 б.

бўлган қимматбаҳо қоғознинг даромад келтириш қобилияти ҳам аксарият ҳолларда юқори бўлмаслиги мумкин.

Иқтисодиёти ривожланаётган давлатларда қимматбаҳо қоғозларнинг инвестицион сифатларини аниқлаш ҳозирча тор доирадаги мутахассисларнинг иши бўлиб қолмоқда. қимматбаҳо қоғозларнинг потенциал инвесторлари бўлиши мумкин бўлган аҳолининг кенг қатламлари фонд бозори сарҳадларига аста-секин кириб бормоқда.

Бозор иқтисодиёти шаклланаётган давлатларда қимматбаҳо қоғозлар портфели билан боғлиқ рисклар нисбатан кўплиги билан ажралиб туради. қуйида қимматбаҳо қоғозлар портфели билан боғлиқ рискларнинг асосий турлари ҳақида қисқача сўз юритилади.

Капитал риск—қимматбаҳо қоғозларга қўйилган барча маблағлар учун умумий риск бўлиб, у зарар кўрмасдан капитални қайтариб ололмаслик ҳолати билан белгиланади. Фондлар бозорида йирик таназуллар рўй берган пайтда (масалан, 1998 йилда Жанубий Корея, Япония, Россия, Индонезия, Малайзия ва ҳ.к. давлатларда) капитал риск руёбга чиқади.

Вақт билан боғлиқ риск 2-қимматбаҳо қоғозни сотиб олиш ёки сотиш учун ноқулай вақт танланган ҳолатларда юз беради. қимматбаҳо қоғозларни сотиш ёки сотиб олишга мавсумий (аграр, савдо фирмалари қимматбаҳо қоғозлари) ёки қайта ишлаб чиқариш цикллариининг таъсири ўта аниқ сезилади.

Танлаш rischi — қимматбаҳо қоғозларларнинг сердаромад ва ишончли турларини танлай олмаслик ҳолати билан боғлиқ бўлади. қимматбаҳо қоғозлар инвестицион сифатларини тўғри баҳолай олмаган вазиятларда танлаш rischi рўй беради.

Ликвидлилик rischi – қимматбаҳо қоғознинг инвестицион сифатини баҳолашни ўзгариши шароитида уни сотишдан кўрилган зарар билан ўлчанади.

Инфляцион риск – юқори инфляция суръатлари инвесторнинг қимматбаҳо қоғозлардан оладиган даромадлари тезроқ қадрсизланиш riskидир. Жаҳон амалиётида инфляцион riskни пасайтиришнинг жуда кўп усуллари бўлишига қарамасдан инфляциянинг юқори даражадалиги қимматбаҳо қоғозлар бозорини бузиб юбориши аллақачон аниқланган.

Валюта riskи – валюта курслари ўзгариши натижасида валюта қимматбаҳо қоғозларига қилинган қўйилмалар билан боғлиқ бўлган riskдир.

Регионал риск – бир ёки икки турдаги маҳсулот ишлаб чиқаришга ихтисослашган ҳудудлар фаровонлигининг шу маҳсулотлар нархининг ўзгариши билан боғлиқ бўлган risk. Мамлакатда ҳокимият кризиси вужудга келган пайтда регионал riskлар алоҳида регионларнинг сиёсий ва иқтисодий сепаратизмига боғлиқ ҳолда вужудга келиши мумкин.

Тармоқлар riskи – иқтисодиётда тармоқларнинг ўзига хос хусусиятларига боғлиқ бўлган risk. Шунга кўра барча тармоқларни гуруҳларга ажратиш мумкин:

- циклик тебранишларга таъсирчан тармоқлар;
- циклик тебранишларга камроқ таъсирчан тармоқлар;

Бундан ташқари тармоқларни «ўлиб борётган»; «барқарор ишлаётган»; «тезда ўсиб бораётган» ёш тармоқларга ҳам бўлиш мумкин.

Кредит riskи – қимматбаҳо қоғозларни чиқарган эмитент чиқарилган қимматбаҳо қоғозлар бўйича фоизлар ёки асосий қарзнинг қайтараолмаслиги билан боғлиқ бўлган risk.

Фоиз riskи – бозордаги ставкаларнинг ўзгариши натижасида инвесторларнинг зарар кўриши билан боғлиқ бўлган risk. Маълумки, бозор фоиз даражасининг пасайишига олиб келади.

Бозор riskи – бозор умумий фаолиятининг пасайиши сабабли қимматбаҳо қоғозлар нархининг пасайиши натижасида инвесторларнинг зарар кўриши.

Мамлакат rischi – тармоқлар riskига ўхшаш. Шу билан биргаликда бу riskнинг ўзгаришига корхонанинг фаолияти ҳам таъсир қилади. Бунга мос равишда корхоналар консерватив, агрессив ва уларнинг ҳар иккаласини биргаликда кўрадиган «оқилона» корхоналарга бўлиш мумкин.

Қайтариб олиш rischi – қайтариб олиш ҳуқуқига эга бўлган облигациялар бўйича тўланадиган фоизлар даражасидан ошганлиги сабабли эмитентнинг шу облигацияни қайтариб олиши натижасида инвесторларнинг зарар кўриш rischi.

Қимматбаҳо қоғозлар портфелини бошқариш бир-бири билан боғлиқ бўлган кўплаб операциялардан иборат бўлиб, уларнинг қай бири қачон ва қайси шартлар билан ишлаши, портфелни қим бошқариши билан белгиланади. қимматбаҳо қоғозлар портфели унинг эгаси ёки эгасининг топшириғига кўра алоҳида шахс томонидан бошқарилиши мумкин.

Биз қуйида портфелни унинг эгаси томонидан бошқарилиш жараёнида содир бўладиган операцияларининг асосийлари билан таништириб ўтамиз. Портфелни унинг эгаси топшириғи бўйича бошқа шахс бошқарганда ҳам шу операцияларнинг аксарияти бажарилади. Бошқаришнинг иккала усули мазмунан бир-биридан кескин фарқ қилмайди. Уларнинг фарқи операцияларни амалга ошириш шаклида бўлади. Яъни, портфель эгаси ҳамма вақт ўз номидан иш кўради, иккинчи усулда эса алоҳида шахс унинг топшириғи бўйича бошқарув операцияларини бажаради.

Бу операция фонд бозори конъюктурасини ўрганиш ва прогноз қилиш, қонунчилик ҳақида маълумот йиғиш, қимматбаҳо қоғозлар билан ўтказиладиган операциялар бўйича услубий ва меъёрий ҳужжатлар тайёрлаш, касбий тайёрлаш, портфель умумий стратегияси ва тактикасини ишлаб чиқиш, портфелни бошқаришни назорат қилиш, қимматбаҳо қоғозларни баҳолаш, дивиденд сиёсатини яратиш ва амалга ошириш каби ўта муҳим чора-тадбирларни ўз ичига олади. Кўриниб турибдики, қимматбаҳо

қоғозлар портфелини бошқаришни ташкил этиш жараёнида бу операция ўта муҳим аҳамият касб этади.

Қимматбаҳо қоғозлар бозорини таҳлил қилиш юқоридагилар билан чегараланиб қолмайди. Портфель ҳолатини у ўз олдига қўйган мақсадга эришиш, рисклар ва ликвидлик даражасини баҳолаш, хусусийлаштириш жараёнини тайёрлаш ва амалга ошириш каби ҳатти-ҳаракатлар ҳам портфелни бошқариш операциясининг таркибий қисмлари ҳисобланади.

- қимматбаҳо қоғозларни сотиб олиш асосида инвестиция қилиш. Бу операцияни амалга ошириш учун олдиндан махсус фондлар ёки алоҳида счётларда пул маблағлари аста-секин жамғарилиб борилади.
- қимматбаҳо қоғозларни тайёрлаш, муомалага чиқариш ва бирламчи тарқатишни ташкил этиш.
- қимматбаҳо қоғозларни бевосита сотиш билан боғлиқ ҳатти-ҳаракатлар.
- қимматбаҳо қоғозлар эгаси алмашишига олиб келиши мумкин бўлган айрим ҳодисалар (масалан, алмашув, совға қилиш, меросга бериш ва ҳ.к.),
- қимматбаҳо қоғозлар бозорини таҳлил қилиш.
- қимматбаҳо қоғозларни зарур ҳолларда гаров сифатида ишлатиш.
- қимматбаҳо қоғозлар бўйича ҳисоб-китобларни амалга ошириш.
- қимматбаҳо қоғозларни қарзга бериш ёки қарзга олиш.
- қимматбаҳо қоғозларни суғурта қилиш.
- қимматбаҳо қоғозлар бўйича эҳтимол тутилган зарарларни қоплаш мақсадида заҳира ташкил қилиш ва ишлатиш.
- Бузилган, йўқолган қимматбаҳо қоғозларни алмаштириш.
- қимматбаҳо қоғозларнинг операциялари бўйича бухгалтерия ҳисобини юритиш ва ҳисоботини тузиш.
- қимматбаҳо қоғозларнинг бир турини бошқа бир турига алмаштириш.
- қимматбаҳо қоғозлар портфелини бошқариш билан боғлиқ маҳкамавий ишларни бажариш.

қимматбаҳо қоғозлар портфелини бошқариш унинг эгаси томонидан амалга оширилганда корхонада бу иш билан шуғулланадиган махсус фонд (ёки инвестиция) бўлими (бошқармаси) ёки қимматбаҳо қоғозларни бошқариш бўлими (бошқармаси) ташкил этилади.

Бу билан молиявий қўйилмалардан қай даражада фойдаланиш ҳолатини йиллар бўйича ҳам ўрганиш мумкин. У ҳолда қимматбаҳо қоғозларнинг ҳар бир йилдаги қиймати (нархи ошиши ёки пасайиши кўрсатилган ҳолда) келтирилган фоизлари ҳамда уларнинг фарқлари ўрганиб чиқилиб муқобил вариантлар билан таққосланади.

3.60б. “JMP International” қўшма корхонасида хорижий инвестициялар ҳисобининг аудитини ўтказиш ва уни такомиллаштириш

3.1 “JMP International” қўшма корхонасида инвестиция ҳисоби аудитнинг мақсади, вазифалари ва манбалари

“JMP International” қўшма корхонаси молиявий инвестициялар аудитининг асосий мақсади - улар бўйича муомалалар қонуний амалга оширилганлиги, тўғри баҳоланганлиги ва бухгалтерия ҳисобида тўғри юритилаётганлигини тасдиқлаш ҳамда бошқа активлар текширувидаги каби қўйидагиларни таъминлашдан иборат:

тўлиқлиги - барча молиявий инвестицияларнинг бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботида тўлиқ акс эттирилиши, ҳисобга олинмай қолган молиявий инвестициялар йўқлиги;

корхона томонидан сотиб олинган қимматли қоғозлар ва берилган қарзларнинг барчаси бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботида тўлиқ акс эттирилиши;

молиявий инвестициялар ҳисобга олинадиган синтетик счётлар қолдиғи ва оборотларининг тегишли аналитик ҳисоб счётлари қолдиқ ва оборотларига мос келиши;

счётлар бўйича қолдиқ ва оборотларнинг бухгалтерия ҳисоби регистрларидан Бош дафтарга ва бухгалтерия ҳисоботларига тўлиқ ҳажмда ўтказилиши;

молиявий инвестициялар кирими ва ҳисобдан чиқарилиш фактларининг барчаси бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботида акс эттирилиши;

молиявий инвестициялар ҳаракатига доир барча муомалаларнинг бухгалтерия ҳисобида ўз вақтида рўйхатдан ўтказилиши;

мавжудлиги - барча молиявий инвестициялар корхона учун аҳамиятли бўлиб, баланс тузиш санасига мавжуд ва келажакда даромад келтиради;

молиявий инвестициялар мавжудлиги белгиланган тартибда ўтказилган инвентаризация ва зарур дастлабки ҳужжатлар билан тасдиқланган;

ҳуқуқ ва мажбуриятлар - корхона молиявий инвестициялар учун тегишли ҳуқуқларга эга ва ушбу ҳуқуқлар билан боғлиқ хавф-хатар учун масъулдир;

бухгалтерия ҳисобида акс эттирилган молиявий инвестициялар (қимматли қоғозлар ва берилган қарзлар) корхонага қонун асосида тегишлидир;

бухгалтерия балансида акс эттирилган қимматли қоғозлар корхонага мулкӣ ҳуқуқ асосида тегишли бўлиб, тегишли ҳуқуқ талабларига мос шартномани амалга ошириш натижасида олган ҳамда корхона қимматли қоғозлар олинганлигини тасдиқловчи барча зарур гувоҳликларга эга;

бухгалтерия ҳисоби счётларидаги барча ёзувлар амалдаги қонунчилик ва меъёрий ҳужжатлар талабларига мувофиқ расмийлаштирилган. Исботловчи ва дастлабки ҳужжатлар билан расмийлаштирилган;

молиявий инвестицияларга доир барча муомалалар амалдаги қонунчиликка зид бўлмаган муносабатлар шароитидан келиб чиқади;

молиявий инвестициялар билан боғлиқ муомалаларни амалга ошириш белгиланган тартибда ваколатли шахслар томонидан рухсат этилганлиги;

баҳолашлар - моливий инвестициялар (қимматли қоғозлар) бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботида меъёрий ҳужжатлар талабларига мувофиқ баҳоланган;

чет эл валютасидаги қимматли қоғозларни сўмда баҳолаш амалдаги қонунчилик талабларига мувофиқ ўтказилган;

қимматли қоғозларни сотиб олиш усулига кўра уларнинг ҳақиқий қиймати меъёрий ҳужжатлар талабларига мувофиқ шакллантирилган;

қимматли қоғозлар қиймати бухгалтерия ҳисоботида киритиш учун меъёрий ҳужжатлар талабларига мувофиқ ва тўғри ҳисоблаб чиқарилган (бозор баҳоси пасайишини ҳисобга олган ҳолда);

қимматли қоғозларни сотишдан олинган тушум бухгалтерия ҳисобида дастлабки ҳужжатлардаги маълумотларга мос баҳода акс эттирилган;

аниқлиги - молиявий инвестицияларга доир харажатлар бухгалтерия ҳисоби қоидаларига мувофиқ ҳисобга олинган, бухгалтерия ҳисоботи маълумотлари синтетик ҳисоб регистрларидаги ёзувларга мос келади:

дастлабки ҳужжатларда, бухгалтерия ҳисоби регистрларида, маълумотларни бухгалтерия ҳисоботларига ўтказишда кўрсаткичларнинг арифметик аниқлигига риоя қилинган;

чет эл валютасида ифодаланган қимматли қоғозларнинг сўмдаги қийматини аниқлашда Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки томонидан белгиланган ва муомала содир бўлган кунда амалда бўлган чет эл валютаси курсидан фойдаланилган; бухгалтерия ҳисоботида ҳақиқий маълумотлар асосида аниқланган молиявий натижалар акс эттирилганлиги;¹¹

ҳисоб даврининг чекланганлиги - молиявий инвестицияларни ҳисобга қабул қилиш ва ҳисобдан чиқаришга доир барча муомалалар тегишли ҳисоб даврида ҳисобга олинган;

тақдим қилиш ва баён қилиш - барча молиявий инвестициялар тўғри туркумланган ва бухгалтерия ҳисоботида моҳияти очиқ берилган:

молиявий инвестициялар турлари ва қайтариш муддатларига кўра туркумланган;

молиявий инвестицияларни сотиш ва қайтариш билан боғлиқ даромадлар ва харажатлар молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботда тўғри туркумланган;

молиявий инвестициялар тўғрисидаги ахборотлар бухгалтерия ҳисоботларига бериладиган тушунтиришларда очиқ берилган ва ҳ.к.

Белгиланган мақсадга мувофиқ, аудитор аудиторлик текширувининг қуйидаги асосий вазифаларини белгилайди:

барча ҳужжатлар ўз вақтида ва тўғри расмийлаштирилганлигини аниқлаш;

¹¹ Жўраев Н., Холбеков Р., Абдувахидов Ф., Илхомов И. Бухгалтерия ҳисоби, иктисодий таҳлил ва аудит. Дарслик. -Т.: 2007 й

қўйилмалар тўғри баҳоланганлиги ва бухгалтерия ҳисоби тўғри юритилаётганлигини тасдиқлаш;

молиявий инвестициялар бўйича даромадлар тўғри ва ўз вақтида ҳисобланиши ва олинишини аниқлаш;

узоқ муддатли ва қисқа муддатли молиявий инвестициялар бўйича бухгалтерия ҳисоби кўрсаткичлари ҳақиқийлигини тасдиқлаш.

“JMP International” қўшма корхонаси молиявий инвестицияларни аудиторлик текширувидан ўтказиш вақтида ҳал этиладиган вазифалар қуйидаги жадвалда келтирилган.¹²

-жадвал

Молиявий инвестициялар аудитида ҳал этиладиган вазифалар

Аудиторнинг вазифалари	Текшириладиган масалалар
1	2
1.Молиявий инвестицияларни ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг ҳолатини текшириш.	Корхона активларини молиявий қўйилмалар қаторига олиб боришнинг тўғрилиги. Муомалаларини ҳужжатлаштиришни текшириш. Молиявий инвестицияларни баҳолашнинг тўғрилиги. Молиявий инвестицияларни инвентаризация қилиш. Бухгалтерия ҳисоботи кўрсаткичларининг синтетик ва аналитик ҳисоб маълумотларига мослиги.
2.Молиявий инвестициялар ҳаракатини бухгалтерия ҳисобида акс эттиришга	Молиявий инвестициялар кирими ва ҳисобдан чиқарилишини синтетик ҳисоб регистрларида акс эттириш. Қимматли қоғозлар аналитик ҳисобини

¹² Тулаходжаева М Муаллифлар жамоаси: «Аудит» (дарслик). Тошкент Давлат иқтисодиёт университети, 2008 й

доир муомалалар синтетик ҳисобининг тўлиқлиги ва тўғрилиги ҳамда солиқ қонунчилигига риоя қилинишини текшириш.	ташкил этиш. Молиявий инвестицияларини ҳисобдан чиқаришга доир муомалалар бўйича солиқ қонунчилигига риоя қилиниши. Қимматли қоғозлар кадрсизланишининг олдини олиш мақсадида резерв ташкил этишга доир муомалаларни акс эттириш. Қарз шартномаси бўйича берилган маблағлар ҳисоби.
3.Молиявий инвестицияларига доир даромадларининг тўлиқ акс эттирилиши ва уларнинг солиққа тортилишини текшириш.	Ҳисобланган даромадларини акс эттириш. Ушбу муомалаларни солиққа тортишнинг тўғрилигини текшириш.

Текшириладиган масалалар бўйича етарли далилларга эга бўлиш кўрсатилган фактларни мустақил баҳолаш, йўл қўйилган хато - камчиликларни ҳамда амалдаги меъёрий ҳужжатлар ва бухгалтерия ҳисоби қоидаларидан четга чиқишларни аниқлашга имкон беради.

“JMP International” қўшма корхонаси молиявий инвестициялар аудитининг маълумот манбалари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

- таъсис ҳужжатлардан нусхалар;
- акциядорлар реестларидан кўчирмалар;
- корхонанинг ҳисоб сиёсати тўғрисидаги буйруғи;
- молиявий инвестицияларни акс эттирадиган дастлабки ҳужжатлар;
- бошқа корхоналарга амалга оширилган қўйилмалар суммалари тўғрисидаги гувоҳномалар;
- акциялар ва бошқа қимматли қоғозлар сертификатлари;

қимматли қоғозлар бўйича сотиб олиш-сотиш ёки қабул қилиш-топшириш далолатномалари;

депозит шартномалари;

қимматли қоғозларни рўйхатга олиш дафтарлари;

кирим ва чиқим касса ордерлари;

молиявий инвестицияларни ҳисобга оладиган синтетик ва аналитик ҳисоб регистрлари;

бухгалтерия ҳисобининг счетлари: 0600 «Узоқ муддатли инвестицияларни ҳисобга олувчи счетлар», 5800 «Қисқа муддатли инвестицияларни ҳисобга олувчи счетлар», 4800 «Турли дебиторларнинг қарзларини ҳисобга олувчи счетлар», 5100 «Ҳисоб-китоб счётидаги пул маблағларини ҳисобга олувчи счет», 5000 «Кассадаги пул маблағларини ҳисобга олувчи счет», 5200 «Чет эл валюталаридаги пул маблағларини ҳисобга олувчи счет» ва бошқа счет гуруҳлари бўйича ҳисоб регистрлари (журнал - ордерлар, Бош китоб ва бошқалар).

“JMP International” қўшма корхонаси ҳисоб сиёсати тўғрисидаги буйруғи бўйича аудитор қуйидагилар билан танишиши мумкин:

бошқа корхоналарнинг устав капиталида иштирок этишдан олинган даромадларни оддий ёки операцион фаолиятдан олинган даромадлар қаторида тан олиш;

молиявий инвестицияларни акс эттириш учун фойдаланиладиган ишчи счётлар режаси;

қўлланиладиган бухгалтерия ҳисоби шакли ва корхона бухгалтериясида тузиладиган ҳисоб регистрлари рўйхати;

молиявий инвестицияларни ҳисобга олиш билан боғлиқ дастлабки ҳужжатларнинг айланиши (ҳужжатларнинг айланиш графиги) билан;

корхонанинг молиявий инвестициялари, қарз шартномаларини расмийлаштирилишга рухсат этилган шахслар рўйхати; молиявий инвестицияларни ҳисобга олиш учун корхона томонидан ишлаб чиқилган ва тасдиқланган дастлабки ҳужжатлар шакллари.

Бухгалтерия ҳисобининг ягона журнал-ордер шаклидан фойдаланадиган корхоналарда журнал-ордерлар қўлланилиб, уларда ҳисобга қабул қилинган дастлабки ҳужжатлардаги ахборотлар тўпланади ва муомалалар акс эттирилади текширади.

3.2 “JMP International” қўшма корхонаси молиявий инвестициялар билан боғлиқ муомалаларни бухгалтерия ҳисобида тўғри акс эттирилганлигини текшириш

21-сон БХМС га мувофиқ, “JMP International” қўшма корхонасида 0600 “Узоқ муддатли инвестицияларни ҳисобга олувчи” счетларда мамлакатимизда ва ундан ташқарида ташкил этилган корхоналарнинг қимматли қоғозларига, шўъба, қарам бўлган жамиятларнинг ҳамда чет эл сармояли корхоналарнинг низом капитали (жамғармаси) га узоқ муддатли қўйилма (инвестиция) ларни мавжудлиги ва ҳаракати тўғрисидаги маълумотлар умумлаштирилади.

“JMP International” қўшма корхонасини аудиторлик текшируви жараёнида, аудитор ҳўжалик юритувчи субъект томонидан активларни инвестициялар қаторига қўшиш тартиби ва уларнинг турлари 12-сон “Молиявий инвестициялар ҳисоби”, 8-сон “Умумлашган (консолидациялашган) молиявий ҳисоботлар ва шўъба ҳўжалик жамиятларига инвестициялар ҳисоби” Ўзбекистон Республикаси БХМС лари орқали амалга оширилаётганлигига ишонч ҳосил қилиши лозим.

Акциялар, облигациялар ва шунга ўхшаш қимматли қоғозлар 0610 “Қимматли қоғозлар” счетининг дебети бўйича сотиб олинган қийматида ҳисобга олинади ва қимматли қоғозлар ҳисобга олинган аввалги счетлари кредитида уларнинг ҳисобига берилган қийматликлар акс эттирилади. Корхона томонидан узоқ муддатли молиявий инвестициялар учун маблағлар ўтказилса, лекин ҳисобот даврида корхонага уларга эгалик ҳуқуқини берувчи тегишли ҳужжатлар (акциялар, облигациялар, бошқа корхоналарга ўтказилган қўйилмалар суммасига гувоҳномалар ва бошқалар) олинмаса,

булар 0610 “Қимматли қоғозлар” счётида алоҳида кўрсатилади. Агарда, “JMP International” қўшма корхонаси томонидан сотиб олинган облигация ва бошқа қарз қимматли қоғозлар тўлиқ қиймати номинал қийматидан юқори бўлса, у ҳолда ҳар сафар уларга тўғри келадиган даромад ҳисобланганда ҳарид қилиш ва номинал қийматлар орасидаги фарқи қуйидагича бухгалтерия ёзувлари орқали ҳисобдан чиқарилади:¹³

Дебет 9610 «Фоиш кўринишидаги харажатлар» счёти,

Кредит 0610 «Қимматли қоғозлар» счёти.

Агарда, “JMP International” қўшма корхонаси томонидан ҳарид қилинган облигациялар ва бошқа шунга ўхшаш қарз қимматли қоғозларнинг ҳарид қиймати уларнинг номинал қийматидан паст бўлса, у ҳолда ҳар сафар уларга даромад ҳисобланганда ҳарид қилиш ва номинал қийматлар орасидаги фарқнинг бир қисми қайта ҳисобланади (тўлдирилади) ва қуйидагича бухгалтерия ёзувлари амалга оширилади:

Дебет 0610 «Қимматли қоғозлар» счёти,

Кредит 9590 «Фоиш кўринишидаги даромадлар» счёти.

Қимматли қоғозларга даромад ҳисобланганда (олинадиган даромад миқдорида) бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

1. Облигациялар учун фоиш кўринишидаги даромад суммасига:

Дебет 4830 “Олинадиган фоишлар” счёти,

Кредит 9530 “Фоиш кўринишидаги даромад” счёти.

2. Акциялар бўйича дивиденд кўринишидаги даромад суммасига:

Дебет 4840 “Олинадиган дивидендлар” счёти,

Кредит 9520 “Дивиденд кўринишидаги даромадлар” счёти.

0600 «Узоқ муддатли инвестицияларни ҳисобга олувчи счётлар» счёти бўйича аналитик ҳисоб узоқ муддатли молиявий инвестициялар ва улар жойлаштирилган объектлар (қимматли қоғозларни сотувчи корхоналар ва бошқа корхоналарни қатнашчилари орасида бўлган корхона ва ҳ.к.) турлари

¹³ Х.Қосимов ва бошқалар Аудиторлик фаолияти бўйича услубий қўлланмалар тўплами –Тошкент 2010й

бўйича амалга оширилади. Бу ҳолатда аналитик ҳисобни ташкил этиш мамлакатимиз ҳудуди ва чет элда жойлашган объектларга қилинган узоқ муддатли молиявий инвестициялар тўғрисидаги маълумотларни олиш имкониятини таъминлаб бериши керак.

“JMP International” қўшма корхонасининг бошқа корхоналар қимматли қоғозларига, давлат ва маҳаллий заёмлари (қарзлар) га ва ҳ.к. қилинган қисқа муддатли (1 йилдан кўп бўлмаган муддатга) инвестицияларининг ҳамда корхона томонидан бошқа корхоналарга берилган қарзларнинг мавжудлиги ва ҳаракати тўғрисидаги маълумотни умумлаштириш учун 5800 "Қисқа муддатли инвестицияларни ҳисобга олувчи счетлар" счетининг қуйидаги счетларидан фойдаланилади:¹⁴

5810 “Қимматли қоғозлар”;

5820 “Қисқа муддатга берилган қарзлар”;

5890 “Бошқа жорий инвестициялар”.

Бу ҳолда фоизли облигациялар ва шунга ўхшаш қимматли қоғозларга инвестициялар ҳамда бошқа корхоналарга берилган қарзлар қисқа муддатли инвестицияларни ҳисобга олиш счетларида қайд этилади, агарда уларни белгиланган қопланиш муддати бир йилдан ошмаса.

Аудитор қисқа муддатли инвестицияларни ҳисобга оладиган счетлар бўйича аналитик ҳисоб қисқа муддатли инвестициялар ва бу қўйилмалар жойлаштирилган объектлар бўйича олиб борилишига алоҳида эътибор бериши керак. Бу ҳолда аналитик ҳисобни амалга ошириш мамлакат ҳудуди ва ундан ташқаридаги объектларга қилинган қисқа муддатли молиявий инвестициялар тўғрисидаги маълумотларни олиш имкониятини таъминлаши керак.

Қисқа муддатли инвестициялар харид қилингандан кейин икки усулдан бирида: бозор ёки харид қийматлари ва бозор қийматидан кам нарх бўйича ҳисобга олинади. Танланган усул “JMP International” қўшма корхонаси ҳисоб сиёсати билан аниқланади.

¹⁴Ўз. Р. 21-БХМС 2002й.

“JMP International” қўшма корхонаси қисқа муддатли инвестициялар бозор қийматининг ўзгаришидан даромад ёки зарар, улар юзага келган ҳисобот даврида тан олинади ва қуйидагича акс эттирилади:

даромад:

Дебет 5800 «Қисқа муддатли молиявий инвестициялар»,

Кредит 9560 «Қимматли қоғозларни қайта баҳолашдан даромадлар»;

зарар:

Дебет 9690 «Молиявий фаолият бўйича бошқа харажатлар»,

Кредит 5800 «Қисқа муддатли молиявий инвестициялар».

12-сон «Молиявий инвестициялар» номли БХМС нинг 22 – бандида қисқа муддатли инвестицияларни қайта баҳолашдан даромадларни ҳисобга олишнинг бошқа муқобил усули таклиф этилган: инвестицияларни қўшимча баҳолаш суммаси ўз сармояси ҳисобига киритилади:

Дебет 5800 «Қисқа муддатли молиявий инвестициялар»;

Кредит 8510 «Активларни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар».

Бироқ, бунда қуйидагини ёдда тутиш лозим: бозор қиймати бўйича қайта баҳоланган қимматли қоғозларни сотишда резерв сармоя счетларда акс эттирилган барча қўшимча баҳолаш суммаси жорий давр даромади сифатида ёхуд тақсимланган фойданинг оширилиши сифатида акс эттирилиши лозим:

Дебет 8510 «Активларни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар»;

Кредит 9560 «Қимматли қоғозларни қайта баҳолашдан даромадлар»;

Кредит 8720 «Жамғарилган фойда».

Шунингдек, таъкидлаш жоизки, мазкур даврда корхонада даромад солиғини тўлаш мажбурияти юзага келади.

21-сонли «Хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий-хўжалик фаолияти бухгалтерия ҳисоби счетларининг режаси» БХМС га мувофиқ “JMP International” қўшма корхонаси 8510 “Активларни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар” счегида қайта баҳолаш натижалари бўйича аниқланадиган қимматли қоғозлар қийматини ўсиши ҳисобга олиниши лозим. Активларни қайта баҳолаш натижасида ташкил қилинадиган захира

капиталини яратиш ва тўлдириб бориш 8510 “Активларни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар” счєтининг кредити бўйича қайта баҳолаш натижасида қийматнинг ўсиши аниқланган активларнинг счєтлари билан корреспонденцияланиб акс эттирилиши лозим.¹⁵

Бирок, “JMP International” қўшма корхонаси юқорида таъкидланганидек узок муддатли қимматли қоғозларнинг баланс қиймати уларнинг сотилиш вақти келгунча номинал қийматга тенг бўлиши лозим. Демқа, узок муддатли қимматли қоғозларнинг қийматини номинал баҳосига келтириш учун уларнинг баланс қиймати кўпайиши (камайиши) 9560 “Қимматли қоғозларни қайта баҳолашдан даромад”, 9690 “Молиявий фаолият бўйича бошқа сарфлар” счєтлари билан корреспонденцияланади.

Қайта сотиш учун харид қилинган қимматли қоғозларни сотишдан тушган тушум 9220 “Бошқа активларни ҳисобдан чиқаришлар” счєтининг дебети узок муддатли инвестицияларни ҳисобга олиш счєтларининг кредити билан корреспонденцияланади.

Аудитор “JMP International” қўшма корхонаси қимматли қоғозларга қилинган инвестицияларни бухгалтерия ҳисобини 21-сонли «Хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий-хўжалик фаолияти бухгалтерия ҳисоби счєтларининг режаси» бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартига асосан ифодалайди ва қимматли қоғозларни қийматини аввалам бор сотиб олиш қийматида ва сотиш давригача уларни нархини номинал нархгача етказилганлигига ишонч ҳосил қилиши керак. Шунингдек, счєтлардаги қимматли қоғозлар қийматини ўзгариш мезонларини аниқлаб олиш зарур бўлади. Булардан ташқари, молиявий инвестициялар 0610, 5810 – «Қимматли қоғозлар» номли счєтларда тўғри акс этилганлигини текширади, қисқа муддатли ва узок муддатли молиявий инвестициялар тўғри таснифланиши ва улар бўйича алоҳида ҳисоб юритилаётганлигини аниқлайди. Молиявий инвестициялар бухгалтерия ҳисобининг регистрлари маълумотлари асосида

¹⁵ Х.Қосимов ва бошқалар Аудиторлик фаолияти бўйча услубий қўлланмалар тўплами –Тошкент 2010й 290-295 бетлар

уларнинг таркиби аниқланади ва тўғри баҳоланганлиги таҳлил қилинади, ҳисоб регистрлари маълумотлари дастлабки ҳужжатлар маълумотлари билан солиштирилади, ҳужжатлар мавжудлиги ва тўғри расмийлаштирилганлиги текширилади.

Аудитор молиявий инвестициялар 0600 «Узоқ муддатли инвестицияларни ҳисобга олувчи счетлар», 5800 «Қисқа муддатли инвестицияларни ҳисобга олувчи счетлар» номли счетларда тўғри акс этилганлигини текширади, узоқ муддатли ва қисқа муддатли молиявий инвестициялар тўғри таснифланиши ва улар бўйича алоҳида ҳисоб юритилаётганлигини аниқлайди. “JMP International” қўшма корхонаси молиявий инвестициялар бухгалтерия ҳисобининг регистрлари маълумотлари асосида уларнинг таркиби аниқланади ва тўғри баҳоланганлиги таҳлил қилинади, ҳисоб регистрлари маълумотлари дастлабки ҳужжатлар маълумотлари билан солиштирилади, ҳужжатлар мавжудлиги ва тўғри расмийлаштирилганлиги текширилади.

3.3. “JMP International” қўшма корхонаси молиявий инвестициялардан самарали фойдаланиш даражасини текширишни такомиллаштириш

“JMP International” қўшма корхонаси молиявий инвестициялардан оладиган даромадлари 9520 - «Дивидендлар кўринишидаги даромадлар», 9530 - «Фоизлар кўринишидаги даромадлар» ва 9560 - «Қимматли қоғозларни қайта баҳолашдан даромадлар» счётларида ҳисобга олинади ва «Маҳсулот (иш, хизмат) лар таннархига қўшиладиган маҳсулот ишлаб чиқариш (иш бажариш, хизмат кўрсатиш) ва реализация харажатларининг таркиби ҳамда молия натижаларини шакллантириш тартиби тўғрисидаги Низом» га мувофиқ молиявий фаолиятдан олинган даромадлар қаторига киритилади.

«Харажатлар таркиби... тўғрисидаги Низом» да (В бўлими 3 § «Молиявий фаолиятдан олинadиган даромадлар», 3,5-модда «қимматли

қоғозларга қилинган инвестициялар», шўъба корхоналарга берилган маблағлар ва шу кабиларни қайта баҳолашдан олинган фойда, шунингдек, В. бўлими, 3 § «Молиявий фаолиятга доир чиқимлар», 3, 4-модда «Қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар» (шўъба корхоналарга берилган маблағлар ва шу кабилар) ни қайта баҳолашдан кўрилган зарарлар қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар ва шўъба корхоналарга берилган маблағларни ҳар чорақда (йилда) қайта баҳолаш, яъни уларни балансда бозор баҳоси бўйича акс эттириш тавсия этилади. Аммо, бундай ҳисоб юритиш сиёсатига қимматли қоғозлар бозори кенг ривожланганда эришилиб, бозор қиймати ҳақида мунтазам ахборотлар мавжуд шароитда бўлиши мумкин.¹⁶

Аудитор сотиб олинган қимматли қоғозлардан ташқари корхонанинг ўзида чиқарилган қимматли қоғозлар сақланиши ҳам мумкинлигини билиши зарур. Бундай қимматли қоғозлар ўз жамоаси аъзоларига сотилгунча ёки биржага берилгунга қадар 006-«Қатъий ҳисобот варақлари» деган балансдан ташқари счётада ҳисобга олинади.

Қўшимча даромад олиш мақсадида иккиламчи сотиш учун биржада сотиб олинган ёки жисмоний шахслардан “JMP International” қўшма корхонаси сотиб олинган корхона акциялари 8620-«Сотиб олинган хусусий акциялар - имтиёзли» счётида ҳисобга олинади ва қуйидаги бухгалтерия ёзуви билан расмийлаштирилади: Дт 8620 - «Сотиб олинган хусусий акциялар — имтиёзли» счёти ва Кт 5010, 5110-счётлар - қимматли қоғозларнинг харид қийматига. “JMP International” қўшма корхонаси акцияларини иккиламчи сотиш қуйидагича акс эттирилади:

Дт 5010, 5110, 5210 Кт 9220- иккиламчи сотиш қийматига.

Дт 9220 Кт 5610 (махсус субсчёт) қимматли қоғозларнинг харид баҳоси.

Дт 9220 Кт 9590 иккиламчи сотиш қийматининг харид баҳосидан ошган қисми.

¹⁶ Тулаходжаева М Муаллифлар жамоаси: «Аудит» (дарслик). Тошкент Давлат иқтисодиёт университети, 2008 й

Агар харид қиймати иккиламчи сотиш қийматидан юқори бўлса, у ҳолда Дт 9690 Кт 9220 проводка тузилади. Аудитор бундай ҳолларда самарасиз молиявий муомалалар амалга оширилганлигининг объектив (балки субъектив) сабабларини аниқлаш, оқилона иш юритилганда йўл қўйилиши мумкин йўқотишлар кўламини аниқлаши ва бу ҳақда директорлар кенгашида ёки акциядорлар мажлисида билдириши зарур.

Бошқа “JMP International” қўшма корхонаси устав капиталига ҳисса қўшиш кўринишидаги қилинган молиявий инвестициялар аудити ушбу корхоналар уставларини таҳлил қилиб, даромад олиш шартларини ҳамда бундай инвестициялар самарадорлигининг тўғрилиги ва ҳисобда тўлиқ акс эттирилганлигини аниқлашдан иборат.

Шунингдек, векселга берилган қарзлар ҳам молиявий инвестициялар бўлиб ҳисобланади. Улар қуйидагича акс эттирилади: Дт 0610, 5810 Кт 5110, 5210, 5220 векселга берилган қарз суммасига.

“JMP International” қўшма корхонаси молиявий инвестициялар бошқа корхоналар фаолиятида ҳисса қўшиб иштирок этиш, акциялар бўйича дивидендлар ва облигациялар бўйича фоиз кўринишдаги даромадлар олиш мақсадида амалга оширилиб, ҳисобланган даромадлар суммасига ҳисобда қуйидагича акс эттирилади:

Дт 4830 (4840) Кт 9530 (9520)

Пул маблағлари келиб тушганда

Дт 5110, 5210 Кт 4830, (4840)- олинган дивидендлар (фоизлар) суммасига.

Даромадларнинг тўлиқ акс эттирилганлигини текширишда, уларнинг миқдори бухгалтерияда ҳисобга олиш мақсадида қуйидаги шарт-шароитлар мавжуд бўлганда тан олинади:

“JMP International” қўшма корхона ушбу даромадларни олиш ҳуқуқига эга;

даромадлар суммаси аниқланган бўлиши мумкин;

муайян муомала натижасида корхона иқтисодий манфаатининг кўпайишига ишонч бўлганида.

“JMP International” қўшма корхонанинг молиявий инвестициялардан олган барча даромадлари солиққа тортиш мақсадида иккита гуруҳга бўлинади:

Умум қабул қилинган тартибда реализациядан ташқари даромадлар таркибида солиққа тортиладиган даромадлар (ҳамкорликдаги фаолиятдан олинган даромадлар);

махсус тартибда солиққа тортиладиган даромадлар. Буларга акциядор - корхонага тегишли ва бу қимматли қоғозлар эгасининг эмитент - корхона фойдасини тақсимлашда иштирок этиш ҳуқуқини тасдиқловчи акциялар бўйича олинган даромадлар;

Ўзбекистон Республикаси давлат қимматли қоғозлари ва маҳаллий органлар қимматли қоғозлари; Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ташкил қилинган бошқа корхоналар устав капиталида ҳисса қўшиб иштирок этишдан олинган даромадлар. Бундай даромадлар белгиланган фоиз ставка бўйича солиққа тортилади ва даромадларни тўлаш манбаларидан тўланади.

Молиявий инвестициялар аудитининг якунловчи босқичи улар самарадорлигини таҳлил қилиш бўлиб, қуйидаги коэффициентлар динамикасини аниқлаш ва таҳлил қилишдан иборат:¹⁷

$$\text{Дивиденд даромади} = \frac{\text{Битта акцияга тўғри келадиган бир йиллик дивиденд}}{\text{Битта акциянинг ўртача бозор баҳоси}}$$

Акциялар бозор баҳосининг

Битта акциянинг бозор баҳоси

¹⁷ Воҳобов А.В., Иброҳимов А.Т., Ишонқулов Н.Ф. Молиявий ва бошқарув таҳлили: Ўқув қўлланма. – Т.: «Шарқ», 2004. – 481 б.

$$\frac{\text{баланс (номинал) қийматига нисбати}}{\text{Компания балансида акциянинг баҳоланиши (номинал қиймати)}} = \frac{\text{-----}}{\text{-----}}$$

Қимматли қоғозлар бозори ривожланган давлатларда дивиденд даромадининг 0, 15, 25 (яъни 15-25 фоизи) бўлиши нормал ҳолат бўлиб ҳисобланади. Инфляция кузатилаётган шароитда эса бу кўрсаткич бирдан катта (яъни 100 фоиз ва ундан юқори) бўлиши мумкин.

Акциялар бозор баҳосининг улар номинал қийматига нисбатан йилдан-йилга ўсиб бориши ҳам “JMP International” қўшма корхонаси раҳбариятининг оқилона иш юритаётганлигидан далолат беради.

Хулоса ва таклифлар

2009-2012 йилларга мўлжаллаб қабул қилинган Инқирозга қарши чоратadbирлар дастурида назарда тутилган асосий йўналишларнинг учинчи бўлими «Иқтисодиётнинг реал сектори соҳасида ресурс базасини кенгайтириш ва инвестицион фаоллик ўсишини таъминлаш чоралари»га қаратилган бўлиб, биргина 2009 йилнинг ўзидаёқ дастурни ижросини таъминлаш, яъни тижорат банклари томонидан корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлашга қаратилган лойиҳаларни молиялаштириш учун жами 2,4 трлн. сўм миқдорида ёки 2008 йилга нисбатан 1,6 баробарга кўп инвестицион кредитлар ажратилди.

Хусусан ўтган 2009 йилда инвестиция дастури ва техник модернизациялаш бўйича тармоқ дастурлари доирасида 690 та инвестиция лойиҳаси амалга оширилиб, шулардан 303 таси муваффақиятли якунланди. Жалб этилган хорижий инвестицияларнинг ҳажми 68 фоизга ўсди, уларнинг асосий қисми тўғридан-тўғри киритилган инвестицияларни ташкил этди.

Иқтисодиётни экинлаштириш шароитида хўжалик юритувчи субъектлар фойда олиш, ишлабчиқаришни модернизация қилиш ва ривожлатириш мақсадларида ўзларининг бўш пул маблағларини йўналтириш аактивларни, ya”ni asosiy vositalar va nomoddiy aktivlar hamda qimmatli qog’ozlarini sotib olishga sarflashi mumkin shuningdek horijiy investitsialardan fodalanish va mazkur jarayoni tartibga solish horijiy ivestitsiyalarini xisobga olishini, ulardan foydalanish tahlilini to’g’ri tashkil qilish, shuningdek qo’shma korxona moliyaviy investitsiyadan foydalanish auditorlik tekshiruv usbullarini to’g’ri tashkil qilish lozim.

Bitiruv malakaviy ishida xorijiy investitsiyalar shakllantirish sharoitida ullaarning faoliyatini boshqarishda buxgalteriya xisobi,iqtisodiy tahlili va auditning o’rni tobora oritb borayogani tufayli ullaarning nazariy va uslubiy tadbiq qilinishi dolzarb masala ekanligini asoslab berdi. Horijiy investitsiyalar samaradorligi masalasini korib chiqish maqsadga muvofiq. .“JMP International” qo’shma korxonasiga ustav kapitalga aniq investitsiyalar kiritish korxonalardan qimmatli

qog'ozlarini sotib olish va ularga qarz berishini amalga oshirishga doir boshqaruv qaroriga ta'sir qiluvchi me'zonlarini o'rganishdan boshlash maqsadlidir.

Bizning fikrimizcha "JMP International" qo'shma korxonasida birinchidan horijiy investitsiyalarini xisobga olish schyotlarda to'g'ri aks ettirish, shuningdek ikkinchidan foydalanishda korxona zarar ko'rmasligi va inqrozga uhramasligi; uchinchidan qimmatli qog'ozlar va boshqa aktivlarini o'z ehtiyojlariga yo'naltirganda olinadigan iqtisodiy samaradorligidan katta biznes rejadagi dividend va foizlarni olishga ishonch hosil qilish lozim. Bundan tashqari "JMP International" qo'shma korxonasi investitsiyalardan foydalanish tahlilni olib borish shuningdek horijiy investitsiyalarni turlari va mazmuni bo'yicha ushbu qo'yilmalar ko'zda tutilgan iqtisodiy samara olishda horijiy investitsiya kiritayotgan korhonaning moliyaviy, xo'jalik faoliyati va moliyaviy ahvoli chuqur o'rganilishi kerakligini belgilab beradi. Ushbu bitiruv ishda iqtisodiytni erkinlashtirishda investitsiyalar xisobining nazariy saoslari ko'rib chiqilgan unda iqtisoditoyni barqarorlashtirishda investitsiyalarning o'rni va vazfisi maqsadining o'ziga xos xususiyatkaari aks etirilgan .

JMP Interntional qo'shma korxonasida horijiy investitsiyalar tahlilni tashkil qilish borasidagi moliyaviy va boshqaruv tahlilning asosiy jihati o'rganildi va imkoniyatlari ko'rsatib berildi.

JMP korxonasida horijiy investitsiya auditining nazorat maqsadi, vazifalari va manbalari borasida tegishli audit tekshruvini muvofiqlashtirish va takomillashtirish y'ollari ishlab chiqildi.

Bitirvu malakaviy ishda ya'ni yuqorida keltirilgan tavsiya va takliflar "JMP International" qo'shma korxonasida investitsiya to'g'risida qarorlar qabul qilishda, investitsiya faoliyat bilan bog'liq bo'lgan jarayoni buxgalteriya xisobda to'g'ri aks ettirishda hamda iqtisodiy tahlil va audit tekshiruvlarni tashkil qilishda va sifatli o'tkazishda yaqindan yordom beradi shu bilan birga o'ziga xos dastur vazifasini o'taydi, degan umiddamiz